

Миллий
тимсолларнинг ҳар
бири — катта
дарслик, кучли
тарбия
воситасидир.

Ислом КАРИМОВ



TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!



БИЛИМИНИ БОЛАЛАРГА БАФИШЛАГАН ТАРБИЯЧИЛАР

Бугунги кунда республикаимиздаги 4978та давлат, шунингдек, 134та хусусий мактабга-ча таълим муассасасининг ҳар бирида ўзига хос иш тажрибаси юзага келаяпти. Ушбу муассасалараро ижобий рақобат майдонини яратиш ва илғор, ижодкор тарбиячиларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Йил тарбиячиси — 2012» кўрик-танловининг республика босқичи 26 — 28 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтди.

(Давоми 5-бетда.)

КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИ

унда қандай янгиликлар бор?

Айни пайтда олий таълим муассасаларига ҳужжатлар қабули қизгин давом этмоқда. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда устозларини айни жараён юзасидан бир қатор масалалар қизиқтириши табиий. Тахририятимизга ушбу мавзу бўйича қилинаётган муурожаатларни эътиборга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори Баҳром Исмоилов билан суҳбатлашдик.

— Суҳбатимиз аввалида бу йилги қабул жараёнининг ўзига хосликлари, янгиликлари хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 майдаги

Abituriyent — 2012

“2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги 1751-сонли қарори билан олий таълим муассасаларига қабул квоталари тас-

диқланди ва жорий йилнинг 20 июнидан олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни бошланди.

Жумладан, 2012/2013 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56607 нафар талаба қабули белгиланган бўлиб, шундан 19 340 нафари давлат гранти, 37267 нафарини эса тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

(Давоми 3-бетда.)

ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

Ўзбекистон
Республикаси Давлат
герби қабул
қилинганига йигирма
йил тўлди



Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, халқимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани ҳам мустақиллик туфайлидир.

Истиқлолга эришгач, мамлакатимизнинг давлат рамзларига эга бўлдик. Бугун жаҳонда тенг ҳуқуқли давлат бўлган мустақил Ўзбекистон ўз байроғи, герби, мадҳияси ва валютасига эга. Зеро, эл-юртимизнинг гурури, ифтихори бўлган бу рамзларда тарихимиз, бой маънавий-маданий меросимиз, миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз, буюк мақсад, эзгу орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги тарихий қонун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

1-iyul — Milliy valyutamiz — soʻm muomalaga kiritilgan kun

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир.

Ислом КАРИМОВ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлдан мустақил мамлакатимиз асосий белгиларидан бири ва муҳим ривожланиш омили бўлган миллий валюта — сўм муомалага киритилди.

Сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатдан ҳам тарихий қадам бўлиб, мамлакатимиз солномасида муҳим ҳодисалар қаторида туради.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида сўз борар экан, аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкони-

ятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, экспорт салоҳиятининг юксалиб бораётганлиги, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро муаносиблиги, инфляциянинг жиловланганлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб бораётганлигини ҳам фахр билан тилга оламиз.

(Давоми 2-бетда.)





Хўжайли агроиктисодиёт касб-хунар коллежида битирувчиларнинг тadbirkorlikка оид билимлари мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодий форум ташкил этди.

Форумда тadbirkorlikка доир Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти, соҳа вакиллари учун яратилаётган имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий тadbirkorlik ҳақида ёшларга кенг тушунча берилди. Тadbirkorlik фаолиятини бошлаш мақсадида ўз бизнес режасини ишлаб чиққан бир гуруҳ битирувчи ёшларга тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Тадбир доирасида кичик бизнес субъектлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Фарғона вилоятида "Гийҳвандликка қарши кураш ойлари" доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тadbирлар ўтказилмоқда.

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ёшлар саломатлигига, гийҳвандлик, ОИТС каби иллатларга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Шерзод Раҳимов. — Ойлик доирасида шаҳар ва туманларимизда, таълим муассасаларида учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда. Мазкур тadbирларда гийҳвандликнинг салбий оқибатлари — инсон онгига, тафаккурига, руҳиятига, ҳаётига, оиласига, жамиятга etkazadigan зарари ёшларга атрофлича, аниқ мисоллар, кўргазмалар воситалар асосида тушунтирилмоқда.

Ойлик доирасида Марғилон, Фарғона ва Кўкон шаҳарлари, Тошлоқ, Олтиариқ туманларида ҳам шу мавзуда тadbирлар ўтказилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтини жорий йилда уч йўналишда 325 нафар бакалавр, йигирма икки йўналишда 87 нафар магистр тамомлаб, мутахассислик дипломини олди.

Мамаляктанимиздаги etakchi таълим, йирик ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот марказларидан бири бўлган Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва унинг Нукус филиалида бугунги кунда қарийб олти минг нафар талаба бакалавр ва магистр bosqichlarida тиббий таълимнинг йигирма беш йўналиши бўйича тахсил олмоқда.

Бу йил ушбу олий таълим даргоҳини тугатган барча талабалар институти ва тиббиёт муассасалари ўртасида тузилган ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ўз иш жойига эга бўлди.

— Амалиётни Ангрен шаҳридаги болалар шифохонасида ўтадим ва шу ерда ишлайдиган бўлдим, — дейди бакалавр bosqichi битирувчиси Дилафруз Бакирова. — Институтда олган билимим, болаларда учрайдиган асаб тизими касалликларининг олдини олиш ва даволашнинг самарали услубларини яратиш бўйича изланишларимдан амалиётда фойдаланиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида "Эрта оила қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилаларнинг жамиятимизда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тadbирда вилоят адлия бошқармаси мутахассислари, ФХДЕ органлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда бир қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Бизнинг ўзбек қизларида катталар, айниқса, ота-онанинг раъйига қарши боролмаслик одати бор, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Бу бўйича эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасида никоҳ тузилишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг оқибати ёса кўпчиликка яхши аён. Шу боис мактаб, коллеж ўқувчилари билан давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тadbирлар, очик мулоқотлар ўтказилмоқда.

Тadbирда ёшлар орасида тарбиявий ишларни янада қучайтириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Битирувчилар ишга жойланмоқда

Кўргонтепа индустриал-педагогика коллежининг 20 нафар битирувчиси қадрдон ўқув юртининг ўзида ишли бўлади.

Тикувчилик касбини эгаллаган бу қизлар коллеж қошида ташкил этилган «Умидли тонг шижоати» унитар корхонасига ишлашга тақлиф этилди. Шунингдек, битирувчилардан 10 нафари тикувчилик ва 1 нафари чорвачилик билан шу-

ғулланиш учун имтиёзли кредит олди. Яна 23 нафар битирувчи имтиёзли кредит олиш учун ҳужжатларни банк муассасаларига топширди.

419 нафар битирувчининг ҳаммаси аввалдан иш берувчи ташкилот билан уч то-

монлама шартномалар имзолаган. Ўз нафари олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат топширган. Тумандаги «Само-шертекс» акциядорлик жамияти, мактаб ва мактабга таълим муассасалари, хусусий корхоналар ва фермер хўжаликлари битирувчиларни иш билан таъминлашга тайёргарлик кўриб қўйган.

Орифжон СИДДИҚОВ

Қадриятларнинг умри боқий

Аждодлар томонидан неча асрлардан буён қадрланиб келинаётган миллий анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат ва қизиқиш янада ортиб бормоқда.

Жиззах давлат педагогика институти педагогика-психология факультетида ўтказилган «Атлас сайли» кўрик-танлови бунинг ёрқин далилидир. «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан ташкил этилган тadbирда иштирокчилар атлас ва адрасдан тайёрланган либосларни намойиш эт-

дилар. Шунингдек, миллий либосларимизнинг яратилиш тарихи, кундалик ҳаётимиздаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Тadbирда «Талабалар орасида миллий кийимларни тиқиш ва касаначилик фаолиятини ривожлантириш», «Ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий ғазилатларини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни» мавзусида маърузалар тингланди.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Таълим самарадорлигини ошириш йўлида

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида «Шахс ва жамият» фанини ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуман ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини «Шахс ва жамият» фани бўйича замонавий ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, жаҳон таълим тажрибасини ўрганиш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, педагог кадрлар малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар «Шахс ва жамият» фанининг инсон дунёқара-

шини шакллантиришдаги аҳамияти, ўқувчи-талабалар онгига бунёдкор ғояларни сингдиришда ушбу фаннинг ўрни хусусида атрофлича фикр юритишди.

— Ўқувчи бугун интернет орқали соат сайин янги маълумотларга эга бўлмоқда, — дейди Тошкент давлат педагогика университети доценти Ғавҳар Фузайлова. — Шунинг учун дарс жараёнида улар учун фойдаланган янги маълумот ва ахборотларни бериб бо-

риш ўқувчиларнинг қизиқишини оширади.

"Шахс ва жамият" фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган педагогикани қўллаш, «Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари» мавзусидаги маърузалар ҳам барча учун фойдали бўлди.

Анжуман сўнгига ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш асосида янги ўқув-услубий қўлланмалар яратиш масаласи ҳам муҳокама этилди.

А.МАМАТКУЛОВ,
М.КАРИМОВ,
Тошкент қурилиш ва
миллий хунармандчилик
касб-хунар коллежи
ўқитувчилари

Маърузаларда истиқлол ва ёшлар маънавияти

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Мустақиллик остонасида: тарихий хотира ва ёшлар дунёқараш» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, стажёр-тадқиқотчи изланувчилари, талабалари иштирок этган илмий-амалий анжуман «Мустақиллик остонасидаги сабоқ-

лар», «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарихий хотиранинг ўрни», «Президент асарларида маънавий масаласи» маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Республикаимизнинг турли ҳудудларидаги олий ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари, талабаларидан илмий-амалий анжуманга юборилган илмий мақола ва материаллар асосида тўпلام нашр этилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Илғор тажрибалар ўртоқлашилди

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тингловчилар — она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирокида очик дарс бўлиб ўтди. Институт ўқитувчиси Феруза Мухамедова олиб борган машғулотда янги педагогик технологиялар ва замонавий ахборот-коммуникация воситаларини самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилди.



Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари билан эркин ижодий мулоқот тарзида ўтган дарсда интерфаол усулларида унумли фойдаланишди, педагогларнинг бир-бири билан тажриба алмашишига имкони-ят яратилди.

— Машғулотларда интерфаол усуллари қўллашда энг муҳим омил — кўздан унумли фойдаланишдир, — дейди 217-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дурдона Ибрагимова. — Бунда ўқувчи қисқа вақт мобайнида ўқувчиларга кенг маълумот бера олади ва, шу билан бирга, ўз маҳоратини ҳам ошириб боради.

Очик дарс якунида илғор ўқитувчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ўктам АШУРОВ

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Барча вилоятлардаги 53 минг педагог ходим орасидан энг сара деб тан олинган ўн беш нафар тарбиячи танловнинг биринчи кунда «Мактабгача ёшдаги болаларга қўйиладиган давлат талаблари» ва «Болажон» таянч дастури бўйича ҳамда педагогик-психологик тест саволларига жавоб беришди. Шундан сўнг каммида уч йиллик иш стажига эга тарбиячилар пойтахтимиздаги 68-МТМда куръа ташлаш йўли билан аниқланган мавзулар бўйича намунавий очик машгулот олиб боришди. Бу жараёнда тарбиячиларнинг янги педагогик технологиялардан, кўргазмалари, аудио, видео материаллардан фойдаланишига эътибор қаратилди. Сирдарё вилояти вакили «Кувонч» бочка-мактаб мажмуаси тарбиячиси Азиза Мирмахмудова катта гуруҳда ўтказган «Ернинг тузилган кун» интеграциялашган машгулотда болалар қизиқарли тажриба ўтказишди. Станлардаги сув билан турли амаллар қилиб кўрган кичик тадқиқотчилар сув, ҳаво, тупроқнинг ҳаёт учун қанчалик муҳимлигини ҳис қилишди. Жиззах вилоятидан келган 3-МТМ тарбиячиси Умида Икромова «Тошбақа билан танишамиз» машгулотда эса тайёрлов гуруҳини марказларга бўлиб ишлади. Мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланган педагог болаларни 6 хил тошбақа тури билан таништирди.

Амалий ва назарий синовдан кейин иштирокчилар 20 дақиқада берилган топшириқ бўйича компьютерда машгулот ишланмаси яратишди.

— Бу йил кўрик-танловга



БИЛИМИНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАГАН ТАРБИЯЧИЛАР

электрон машгулот ишланмаси яратиш шарти киритилди, — дейди Халқ таълими вазириликни мактабгача таълим бўлими бошлиғи Сабоҳат Миржалилова. — Замонавий педагогдан давр билан ҳамнафас фаолият юритиш талаб этилади ва у ўз ишида ахборот-коммуникация технологияларидан тўла-тўқис фойдалана билиши зарур. Шунингдек, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғи кенгайётгани инobatга олиниб, шундай бoғчалардан ҳам вакиллар иштирок этиши таъминланди.

Танловнинг учинчи кунги Ўзбек миллий академик драма театрида давом этди. Қисқа савол-жавоб шартида ишти-

рокчилар синчковлик ва тезкорлигини намойиш этишди. Энг охири тур эса барча тарбиячиларни ҳаяжонга солди. Чунки 20 дақиқада иккиламчи материаллардан кўргазмалари ўйинчоқ ясаш осон иш эмасди. Наманганлик Дилбар Рашидова ва Хоразм вилояти вакили, нодавлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мархабо Жуманиёзованинг дидактик ўйинчоқлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ҳакамлар ҳайъати раиси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Фотима Қодирова жараёни шундай изоҳлайди:

— Кўл меҳнати билан яратиладиган ўйинчоқларга бир

қатор талаблар қўйилган. Яъни, улар чиройли бўлиши билан бирга бола онгини ривожлантиришга, машгулот мобайнида аниқ бир мақсадга хизмат қилиши керак. Бу жиҳатларга барча иштирокчилар имкон қадар эътибор қаратишга интилд.

Ҳаяжонли дақиқалар олдин таассуротлар билан қизикди.

— Биз уч кун мобайнида республикаимизнинг турли бурчакларидан келган ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик. Бир-биримизга рақиб эмас, дугонадек бўлиб, билмаганларимизни сўраб билиб олдик, — дейди фарғоналик Сайёра Аллонова.

Тошкент вилояти Зангиота

Ko'rik-tanlov

туманидаги 29-МТМ ходими Хуснорабону Ёўтабоева эса ўз методика бисотини танловнинг туман, вилоят ва республика босқичларига тайёргарлик кўриш асосида янада бойитганини таъкидлади.

Ҳеч бир ҳаракат исиз, самарасиз кетмаслиги ҳақиқат: ҳар бир қатнашчи «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишони ва турли номинациялар билан тақдирланди. Сурхондарёдан келган Сайёра Норбоева «Энг чакқон тарбиячи», қашқадарёлик Шахноза Эшмуродова эса «Ташаббускор тарбиячи» деб топилди. «Болажон тарбиячи» бўлиш хоразмлик Мархабо Жуманиёзовига, «Меҳрли тарбиячи»лик эса Андижон шарафини ҳимоя қилган Махфуза Исмановага насиб этди. Навоийлик Саидабону Бозорова «Бунёдкор тарбиячи», бухоролик Зебинисо Ҳасанова «Энг ёш тарбиячи» номинациясига муносиб кўрилди.

Ва, ниҳоят, голиб тарбиячилар номи эълон қилинди. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 567-МТМ вакили Наргиза Тошмуҳаммедова энг юқори — 93,9 балл йиғиб, биринчи ўринни эгаллади ва «Йил тарбиячиси» бўлди. Иккинчи ўринни Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 2-МТМ ходими Аснат Муродова кўлга киритди. Учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги 23-МТМ тарбиячиси Зумрад Бозорбоевага насиб қилди.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Маърифат» муҳбири
Б.РИЗКОЛОВ
олган суратлар.

ИЛМУ ЗИЁ МАСКАНИ

Муқовачилар китоб созлайди

Китоб инсон қалбига зиё бағишлайди. Ёшларни мутолаага ўргатиб бориш муҳим. Бу жараёнда мактаб кутубхоначилари асосий роль ўйнайди. У нафақат саводли, балки юксак маънавиятли, ташилотчи ва изланувчан бўлиши зарур. Жондор туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактаб кутубхонасида фаолият юритаётган Мақсад Сайфуллаева ана шундай педагоглардан.

— Китоб мутолааси яхши ёмонни фарқлашга, тўғри йўлни танлашга ёрдам беради, — дейди биз билан суҳбатда кутубхона mudirаси Мақсад Сайфуллаева. — Доимо китобхонлар хизматидамиз. Зиё масканимизга АРМ мақоми берилган боис нафақат ўқувчи ва ўқитувчиларга, балки аҳолига ҳам хизмат кўрсатлади.

Мақсад Сайфуллаева ўқув йили мобайнида «Энг яхши ғазалхон», «Мушоира», «Энг яхши китобхон» каби қизиқарли тадбирлар ўтказиб, ўқувчиларнинг китобга бўлган меҳрини оширибгина қолмай, фикрлаш қобилиятини ҳам ўстираётти. Мактабда «Муқовачилар» тўғраги иш олиб боради. Тўғракам аъзоларининг бевосита савъ-ҳаракати билан бутун ўқув йили давомида таъмирмга муҳтож дарслик ва бадий адабиётлар таъмирдан чиқарилади. Муқова созиладиган ўқувчилар мактабдошларининг китобга муносабати, дарслик-

ларнинг сақланиш аҳволини ҳар чорак назоратдан ўтказиб боришга ҳам масъул.

Мактаб кутубхонасини турли адабиётлар билан бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган ўқув йилида битирувчилар ва ҳомийлар томонидан салкам 600 минг сўмлик адабиёт кутубхонага тақдим этилди. Бундай хайрли тадбирлар янги ўқув йилида ҳам давом эттирилади.

Ҳар ишда қизиқиш ва ҳавас керак

Нимагадир эришмоқ учун узоқ йиллик тажрибага эга бўлиш шарт эмас. Агар инсонда қизиқиш ва мақсад барқарор, интилиш кучли бўлса, шунинг ўзи кифоя. Гулпари Жўраева буну ўз муваффақияти мисолида яна бир бор исботлади. Яқинда у «Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази мутахассиси» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли 1-ўринни кўлга киритди.

— Гулпарининг иш бошлаганига эндигина уч йил тўлди, — дейди вилоят АРМ директори ўринбосари Матлуба Ақромова. — Аммо изланувчанлиги, тиришқоқлиги ва касбига меҳри тўғрисида бугун марказда тажрибали мутахассислар қаторидан жой олди.

Четдан кузатганда, кутубхонада ишлаш жуда оддий бўлиб туюлади. Аммо иш жараёнини яқиндан кузатган киши бу касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари борлигига амин бўлади.

— Муваффақиятлар замирида қизиқиш ётади, — дейди Гулпари. — Чунки инсон ҳеч қачон қизиқиши бўлмаган ишга астойдил киришолмайди. Мени болалигимдан ана шу нурули маскан ўзига тортади, шу боис кутубхоначиликни танладим.

Глобаллашув жараёнида ахборотлар, янгиликлар оқими бетиним. Китобхонни қизиқтаридиган маърифий ахборотларни топишга ёрдам бериш, уларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини қондириш замон талабига айлангани Гулнора Жўраева яхши тушунади.

Jarayon

Ёш мутахассис ҳар бир янги китобхонни синчковлик билан кузатади. Дунёқараш, қизиқишларини ўрганади. Унга қандай китоб керак, қай тарзда хизмат кўрсатиш лозим? Биргаликда китоб танлайди ёки электрон нусхалардан фойдаланишни тавсия этади. Энг муҳими, китобхоннинг киритиб бўлган эҳтиёжини қондиради. Бу кутубхоначиликнинг асосий қоидадир.

Ҳам дарсхона, ҳам кутубхона

Бугунги ахборот-ресурс марказларига чин маънода ана шундай таъриф бериш мумкин. Тараққиёт асрида ислохотлар давом этар экан, қулай ва замонавий шарт-шароити

имкониятларга эга кутубхоналар янги ном остида аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Ахборот хизмати қулай ва самарали ташкил этилаётгани боис фойдаланувчилар сони ҳам кўпаймоқда.

Бухоро вилоятида илғор тажрибаси билан ўз ўрнига эга ахборот-ресурс марказлари шаклланимоқда. Когон шаҳар ахборот-ресурс марказида 8та мактаб кутубхонаси, 2та мактаб АРМни камраб олган бўлиб, қарийб 8000га яқин китобхонага хизмат кўрсатади.

— Ҳозирда умумий китоб фондими 34 минг 700 нусхадан ошади, — дейди марказ раҳбари Моҳигул Жўраева. — Демак, ҳар бир китобхонга қарийб 5та китоб тўғри келади. Бу бизни қониқтирмайди, албатта. Бироқ борларини ҳам ўз ўқувчисига вақтида етказиб олиш билан ёш авлодининг билими ва маданиятини оширишга озми-кўпми ҳисса қўиш мумкин. Ходимларимизнинг диққат-эътибори китоб фондини энг сара бадий ва илмий адабиётлар билан тўлдиришга қаратилмоқда.

Ўтган ўқув йилида мактаб, кутубхона, оила ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган хайрия тадбирлари орқали кутубхоналаримиз фондиди 2470 нусха китоб билан бойиди. Натижада, китобхоналаримиз сони ҳам ошди.

Ахборот-ресурс марказида таълимий дастурлар, ўқув режалари жорий қилиниб, талабалар ва ўқувчилар орасида сўровномалар ўтказилади.

Марказда ахборот библиографик хизмат кўрсатишининг янги усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, китобхонларга маълумот оммавий, гуруҳли ва якка тартибда тақдим этилади.

— Китобхоналаримизнинг асосий қисмини ўқувчи ва талабалар ташкил этади, — дейди АРМ етакчи мутахассиси Меҳри Умидова. — Уларнинг қизиқишларини ўрганимиз, қандай китобларга эҳтиёж кўпроқ эканини аниқлаймиз. Библиографик дарслар орқали янги келган ходимларга методик ёрдам берилади, тўпланган тажриба ва янгиликлар билан таништириб борилади.

Марказнинг инновацион тадқиқотлар бўлими ўқувчи ва талабаларнинг ҳақиқий дарсхонасига айланган. Фан соҳалари бўйича маълумотлар, ўқув мультимедиа дастурлари, электрон дарсликлар бу ерда бисёр.

— Бўш вақтимни кутубхонада ўтказаман, — дейди 4-мактаб битирувчиси Шахзода Шодмонова. — Билимни ошириш учун бу ердан қулайроқ жой йўқ. Бўлим mudirаси Мастура Пулатова биз китобхоналарга доимо кўмакдош.

Кутубхона — бамисоли очил дастурхон, «ноз-неъмат»лари кўп. Ҳар бир китобхон истаганини шу ердан излайди ва топади. Бухоро вилоятидаги нурхоналар ҳам китобхоналарга ана шу имкониятни тақдим этиб келмоқда.

СОРА ТОШЕВА,
«Ма'рифат» муҳбири

«ҚИЗ БОЛА — БЎЛҒУСИ ОНА ШУНДАЙ ЭКАН, УНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАШ КЕРАК?»

«Ma'rifat» газетаси 2012 йил 16 июнь сони

«Қиз бола—бўлғуси она» мақоласини ўқиб, бугунги куннинг энг долзарб мавзуси қаламга олинганидан хурсанд бўлдим. Муаллиф масалани ҳар томонлама таҳлил қилган. Қиз болани неча ёшдан турмушга узатиш лозим, деган саволга мутахассисларнинг ба-тафсил жавоби берилган. Кўпчилигимиз яхши жойдан совчи чикди деб, қизимизнинг ёшини ҳам инобатга олмай рози бўлаверамиз. Қизларимиз жисмонан балоғатга етгани билан, оила қуришга маънавий жиҳатдан тайёри, дея ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

ҚУТУЛИШ ЭМАС, ТУТИЛИШ

Баъзан «17-18 ёшда турмушга чиқиш эрта деясиз, ахир, момоларимиз 15-16 ёшдан оила қурган-ку?», — деган эътирозларни ҳам эшитиб қоламиз. Тўғри, ўтмишда қизларни жуда эрта узатишган. Бирок бугун момоларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, оилавий ҳаётда қўллаб муаммоларга дуч келганини айтади. Менинг қайнонам ҳам, онам ҳам ўн олти ёшда турмушга чиққан. Онам «Болам, ақлинг бўлса, қизингни эрта узатма! Ёш оила қуришнинг азобини мана мен

тортганман. Худога шукр, фарзандларим, невара-чеваралар ардоғиданман-у, аммо аллақачон соғлимни йўқотганман...» дея қўп такрорлайди.

Фарзандларимиздан оила ҳақида сўралса, очиги, онгли равишда жавоб берадигани кам учрайди. Ота-оналар ҳам нима учун йигитларни эрта уйлантириб, қизларни эса эрта турмушга узатаётганига жўяли сабаб кўрсата олмайдди. Шундай савол кўндаланг қўйилса, «Ҳа, энди... эртарақ қутулайлик деймиз-да!» дейди кўпчи-

лик. Аслида, бу қутулиш эмас, муаммолар гирдобига тутилиш эканини қачон англаб етамиз?

«Оилавий бахтда ҳикмат кўп. Бахтиёр оила — энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоғи. Демак, ёшларимизнинг толеи, эртанги саодатли кишилар, жамиятимизнинг пойдеворидир», деб ёзади Абдулла Қаҳҳор.

Қизларимизни эрта узатмаслик ҳақида кўп гапирамиз. Аммо уйланаётган йигит-чи? Уларнинг ёшига, оилавий ҳаётга тайёргарлигига эътибор беравермаймиз.

Оила мустаҳкам бўлиши учун, аввало, ҳар иккала томоннинг ҳам маънавий ва моддий дунёси бир-бирига яқин, йигит ва қизнинг қарашлари бир-бирига мос бўлиши лозим. Ёшлар ҳаётий қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгизиши, муаммоларни иложи бори-ча катталар аралашувисиз ҳал этиши зарур. Бунинг учун эса йигит-қиздан жисмоний ва маънавий етуқлик талаб қилинади.

Шарофат АБДУҲАМИДОВА

Aks sado

ТАЛАБА ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРМИ?

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг, жумладан, талаба-ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввурларида оилавий муҳит — ота-онаси, буви-буваси, тоға-аммаси берган тарбиянинг таъсири катта. Никоҳдан ўтаётган ёшларнинг оилавий ҳаётга ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик жиҳатдан тайёргарлиги муҳим рол ўйнайди. Талабаларнинг оилавий ҳаётга разм солинганда, кўпгина муаммоларнинг келиб чиқишига айнан шу омиллар катта таъсир ўтказишига гувоҳ бўлиш мумкин.

Талаба оила қургач, ўзига хос руҳий ўзгаришлар қуршовида қолади. Ижтимоий мавқеи ўзгаради, келин-куёвликнинг илк даврида ҳар қандай йигит-қизда қадриятларга фаол қараш тушунчаси шаклланади. Ота-она, эр-хотин, турмуш ўртоқ, атрофдаги кишилар билан ўзаро мулоқотда фикрлаш стереотиплари янгиланади. Шахсий ҳаётда янги муҳит пайдо бўлиши натижасида ҳаётий позициясини тўғри шакллантириш, мўлжални тўғри ва оқилона ола билиш, эр-хотин ролларининг функциясини ўзлаштириш лозимлигини англай бошлайди.

Олий ўқув юртида ўқиётган талаба учун — у ҳоҳ йигит бўлсин, ҳоҳ қиз — оила қургач, таълим олиш жараёни анча мураккаблашади. Чунки бу даврда шахснинг фазилат ва сифатлари шаклланиш, тақомиллаштириш босқичида бўлиб, мустақиллик, ташаббускорлик, тоқирлик, ташкилотчилик қилишга аксарият ёшлар иккиланади. Шахснинг ўзини ўзи идрок этиш, таҳлил ва назорат қилиш, баҳолаш, текшириш жараёни 24-25 ёшга қадар давом этади.

Талаба шахсининг шаклланишида бундай объектив қарама-қаршиликлар баъзан ўзига нисбатан ишонсизликни, масъулиятсизликни, оилавий ҳаётга ва ўқишга салбий муносабатни вужудга келтириши ҳам мумкин. Ёш келин-куёвнинг никоҳга ча бўлган мавҳум тасаввурлари ўрнини тўй ва ундан кейинги даврдаги қувонч туйғуси, ҳиссий кечинмалари эгаллайди. Баъзан оилавий шарт-шароитлар таъсирида келин-куёвда масъулиятни англаш, вазифани урдаш тушунчаси фаоллашади. Баъзан эса, аксинча, оиладаги ички-ташқи воситалар, омиллар тўғрисида руҳий дунёсида умидсизлик, руҳий парокандалик, истиқболга ишонсизлик, иккиланиш, ҳадиксираш каби салбий ҳис-туйғулар намоён бўлади.

Ёш йигит-қизлар оилавий ҳаётга нисбатан суст тайёргарлик кўрган бўлса, турли зиддиятлар, можаро ва тўқнашувлар юзга келиб, оқибати ажрим билан тугайди. Психологларнинг фикрича, ўзаро оилавий муносабатларда жуфтликни мустаҳкамлайдиган бир қанча омиллар мавжуд: мулоқотга киришувчанлик, низоли ҳолатларни енга билиш, бир-бирини руҳан қўллаб-қувватлаш, камчиликларга сабр-тоқат қилиш, фарзанд кўришга ва уни ҳамкорликда тарбиялашга ҳар жиҳатдан тайёр бўлиш.

Агар шу талаба ва қондалар бўлгуси эр-хотинлар томонидан пухта ўзлаштирилса, бу ёш оилалар мустаҳкамлигига пойдевор бўлиши мумкин.

Дилфуза ЭЛЧИЕВА,
Тошкент давлат маданият ва санъат
институтини ўқитувчиси

БОЛА БИЛАН ДИПЛАШИНГ

ўқувчилар ҳаётида синф раҳбарининг ўрни муҳим

ёлгон гапирганимни ўртоқларим сезиб қолиб, мени мулзам қилдигандек туюлаверди.

— Ёлгон гапирганимдан пурсаймон бўлганим яхши, — ўқувчида далда берди устози. — Агар буни бошқалардан яширганимда, ёлгончилик одадга айланиб қолиши мумкин эди. Ойинг билан ўзим бафуржа гаплашиб, ҳаммасини тушунтираман. Ишончим комилки, онанг, сени албатта кечиради.

Синф раҳбари ўқувчисининг ота-онаси билан учрашиб, ўғлининг ростиўлиги, тўғрисиўлиги билан фарҳанс арзишини айтди. Улар ҳам фарзандининг бу борада тўғри йўл тутганидан мамнун бўлишди.

Биз сизга ҳикоя қилаётган бу воқеа Жиззах туманидаги 17-мак-

табнинг 8-синфиди содир бўлган. Синф раҳбари Мархабо Абдувалиева узок йиллик тажрибасига таяниб, ўқувчиси билан тил топила олди. Кейин болакай яна аввалги ҳолига қайтди: ўқишда, жамоат ишларида фаол.

— Синфимда 34 нафар ўқувчи

Tajriba

бор, — дейди Мархабо Абдувалиева. — Ҳар бири ўзгача олам. Дунёқараш, феъл-атвори бир-бирига ўхшамайди. Ўқувчиларнинг ички оламини тушунишга, истак ва қизиқишларини билишга ҳаракат қиламан. Айримлари ўзида бор истеъдодни ҳам ошқор этгани келмайди. Мен уларни қоби-

лятига қараб тўғарақларга йўллайман, иктидорини рўбга чиқаришга кўмаклашаман.

Ўқувчиларни ўз қизиқишларида келиб чиқиб, тўғарақларга йўналтиришнинг самараси катта. Бунга Жиззах шаҳридаги 11-мактабнинг 9-синф раҳбари Гулноза Тожибоева фаолияти ҳам мисол бўлади. У ўқувчиси Махфуза Абдулҳакимованинг иктидорини сезиб, шахмат тўғрисида катта мақсад ва шахар мусобақаларида голиблар сафидан ўрин олди, вилоят чемпионлигини ҳам қўлга киритиб, нуфузли мусобақаларда иштирок эта бошлади. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичида вилоят шаҳарини ҳимоя қилди.

«Ma'rifat» газетасининг 16 июнь сонидида «Қиз бола — бўлғуси она шундай экан, уни оилавий ҳаётга қандай тайёрлаш керак?» мавзусидаги мақола коллежимизда атрофлича муҳокама қилинди. Таълим муассасамиз иختисослаштирилган хотин-қизлар коллежи бўлгани боис долзарб мавзудаги бу мақола бизга кўпроқ тегишли, деган фикрдимиз.

МАҚОЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган 800 нафардан зиёд қизларимизнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун коллежимизда барча имкониятлар мавжуд. Ўқувчи қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ташкил этилган. Унга ҳуқуқшунос ўқитувчи Инобатхон Йўлдошева раҳбарлик қилади. Ҳуқуқий-ижтимоий йўналишда тахсил олаётган ўқувчилар тўғраракнинг фаол аъзолари бўлиб, улар тенгдошлари орасида «Ҳуқуқин-

гизни биласизми?» «Ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш-долзарб вазифа», «Ёшлар ва ҳуқуқ» мавзуларида суҳбат ва савол-жавоблар ўтказишади. Суд, прокуратура ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида ўтказилаётган бундай тадбирлар ўз самарасини бериб келмоқда. Мана, қарийб 5 йилдан буён ўқувчиларимиз орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари қузатилмади.

Қизларимиз бугун ўқувчи бўлса, эртага ўй бекаси, она бўлишини унутмаслигимиз лозим. «Маънавият она алласидан бошланади», «Қизлар — миллий қадриятларимиз давомчиси», «Балли, қизлар!» кўрик-танловларини ўтказиб, уларнинг руҳий-маънавий оламини бойитамиз. Коллеж хотин-қизлар кўмитасининг раиси Нилуфар Нажмиддинова «Ёш оила қурувчилар мактаби»ни бошқаради, Ҳамза туман ФХДЭ бўлими ходимлари билан бамаънафит иш олиб боради.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белги-

ланган вазифаларни бажариш мақсадида иктидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга амалий ёрдам бериш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, коллежимиз ўқувчиси Гулноза Қўчқорованинг «Тадбиркор ўқувчи» кўрик-танловига шахар бўйича энг юқори балл олиб, республика босқичига йўлланиши олгани, тилку ательесини очиб бўйича бизнес лойиҳаси эса «Микрокредитбанк» томонидан 6.800.000 сўм кредит маблағи билан таъминлангани бизни жуда қувонтирди.

Мақола муҳокамасига бағишланган йиғилишда коллеж директори Лимона Аҳмедова, врач-гинеколог, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Абдулла Алланиёзов, коллеж психологи Шахноза Сабдарова, «Ораста қизлар» тўғраги раҳбари, шифокор Гулноза Усмонова, ўқитувчилардан Фароҳа Тўраева, Муассар Тўлаева ҳамда Муассар Бадалова сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ота-оналар қизларини мустақил ҳаётга тайёрлар экан, авваламбор, оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас одаларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак авлод ўчоғи етадиган тарбия ўчоғи эканини унутмаслиги зарур.

Абдунаби ОРИПОВ,
Тошкент
ихтисослаштирилган
хотин-қизлар коллежи
директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича
ўринбосари

Аълочи ва шўх-шодон ўқувчилардан бири тўсатдан ўзгариб қолди: болакай тажанг бўлиб, синфдошларининг саволига тўғри жавоб бермайдиган, дағаллик қиладиган одад чикарди. У ниманидир яширар, дардини ҳеч кимга айтгани келмасди. Бу ҳол синф раҳбарини ташвишлантирди. У ўқувчиси билан холи гаплашиб олди. Бола ўзининг яқин сирдоши, меҳрибон онасидек азиз биладиган синф раҳбаридан дилидагини яширмасди.

— Устоз, мен уйдагиларга ёлгон гапирдим, бунинг учун ўзимни кечиролмапман. Дераза раҳида турган гулдонни беҳосдан тушириб юборгандим. Ойим ишдан келиб, ким синдирганини сўради, мен эса билмайман, деб елка қисдим. Ойим «Ўзи беҳосдан тушиб кетгандир-да», деб унчалик эътибор бермади. Лекин ёлгон гапирганим ўзимга алам қиляпти, жуда қийналиб кетдим. Назаримда,

FANLAR KESIMIDA O'TKAZILADIGAN SHO'BA YIG'ILISHLARI UCHUN TAVSIYALAR

(Davomi. Boshi o'tgan
sonlarda.)

JISMONIY TARBIYA

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida jismoniy tarbiya fanining maqsadli va samarali o'qitilishida darsning to'g'ri tashkil etilganligi asosiy omil hisoblanadi. Bunda jismoniy tarbiya fani o'qituvchilari darsni uch qism (tayyorlov, asosiy, yakuniy)ga ajratish va har bir qismga asosiy vazifalarni to'g'ri taqsimlashga e'tibor qaratishi lozim.

Xalq ta'lim vazirligining 2012-yil 16-maydagi "Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013 o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejanı tasdiqlash to'g'risida" 160-sonli buyrug'i asosida jismoniy tarbiya o'quv dasturiga ba'zi o'zgartirishlar kiritilib, taqvim mavzuli rejaı qayta ishlab chiqildi. "Hayot xavfsizligi asoslari", "Salomatlik darslari" va "Sog'lom avlod asoslari" o'quv dasturlaridagi integratsiyalangan mavzular ushbu fan tarkibiga singdirildi. Ushbu mavzular fan o'qituvchilari tomonidan jismoniy tarbiya darslarining "tayyorlov qismi"da 3-5 daqiqacha ichida o'quvchilarga tushuntirilishi lozim. Sho'ba yig'ilishlarida pedagoglar e'tiborini mazkur mavzularga oid bilim va ko'nikmalarni o'quvchilarga yetkazish usullariga qaratish lozim. Jumladan:

1-sinf. "Hayot xavfsizligi asoslari" dasturidagi "Suvdagi xavfsizlik qoidalari" mavzusi (1-sinf) "Suvda chiniqish qoidalari va suzish usullari" mavzusi tarkibiga singdirildi. Bunda suvdagi xavfsizlik qoidalari, suvga tushmasdan oldin o'quvchilar nimalarni bilishlari lozimligi, suv havzalaridan foydalanish, atrofimizdagi suv havzalari, suzishning inson sog'lig'i uchun ahamiyati tushuntiriladi;

3-sinfdagi "Cho'milish himoya vositalari haqida tushuncha" mavzusi "Sport anjom-uskunalarni avaylab-asrash" mavzusi tarkibiga singdirildi. Unda cho'milish

vaqtda himoya vositalaridan foydalanish, cho'kayotgan odamga yordam ko'rsatish, yon-atrofdagilardan yordam so'rash, yaqin atrofdagi odam bo'lmagan holatlarda o'z kuchiga tayangan holda vaziyatdan chiqish, qo'l ostidagi buyumlardan foydalana bilish ko'nikmalari shakllantiriladi;

"Burundan qon ketish sabablari va birinchi yordam ko'rsatish" mavzusi "Jarohatlanishda birinchi tibbiy yordam ko'rsatish" mavzusiga, "Ko'zga chang tushganda muhofazalanish qoidalari" mavzusi "Ochiq havoda jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishning inson salomatligini rivojlantirishdagi ahamiyati" mavzusiga, "G'urra yoki ko'karish bo'lganda birinchi yordam" mavzusi "Dars vaqtida shikastlanishning oldini olish va unga birinchi yordam" mavzusiga, "Tez yurish, yugurish va boshqa holatlarda qorin va biqinda og'riq paydo bo'lganda yordam ko'rsatish" mavzusi "Yurish va yugurish mashqlarini bajarishda to'g'ri nafas olish" mavzusiga singdirildi.

4-sinf. "Tana terisi va tirnoqlarni parvarish qilish" mavzusi "Nafas olish a'zolari va teri yuzasini muhofaza qilish vositalari haqida tushuncha" mavzusiga singdirildi.

6-sinf. "Jismoniy mashqlarni bajarish vaqtida xavfsizlik choralari" mavzusi jismoniy tarbiya fani o'quv dasturidagi aynan shu mavzuga singdirildi. Unda gimnastika mashqlarining inson salomatligiga ijobiy ta'siri, favqulodda vaziyatlarda harakat qilishda ma'naviy-ruhiy tayyorgarlik, mustaqil tayyorgarlik, o'yinlar, o'quv mashqlari haqida tushunchalar beriladi.

"Salomatlik darslari" dasturidagi integratsiyalangan mavzular quyidagilar:

1-sinf. "Salomatlik va odam tanasi haqida umumiy tushuncha" mavzusi "Ertalabki badantariya mashqlarining inson salomatligiga ijobiy ta'siri, quyosh nurida

chiniqish qoidalari" mavzusiga, "Shaxsiy gigiyena qoidalari" mavzusi "Shaxsiy gigiyena, tozalik — salomatlik garovi (qo'l, oyoq, ko'z, tish parvarishi)" mavzusiga, "Kun tartibi" mavzusi "O'quvchilarning kun tartibi, o'quvchilar kun tartibida badantariyaning o'rni" mavzusiga, "Chiniqishning sog'lomlashtirishdagi ahamiyati" mavzusi "Tabiatning sog'lomlashtiruvchi omillari orqali chiniqish, quyosh nurida chiniqish qoidalari" mavzusiga, "Ovqatlanish gigiyenasi" mavzusi "Ovqatlanish tartibi, ovqatlanishdagi gigiyenik talablar" mavzusiga, "Zararli odatlar" mavzusi "Salomatlikni mustahkamlashda jismoniy tarbiyaning ahamiyati, inson salomatligiga zararli bo'lgan odatlar" mavzusiga, "Jarohatlanishlarning oldini olish" mavzusi "O'z-o'zini nazorat qilish qoidalari" mavzusiga singdirildi.

2-sinf. "Salomatlik alifbosi" mavzusi "Chiniqish qoidalari, kasallikning oldini olish" mavzusiga singdirildi. Bunda bolalarni o'z sog'lig'iga nisbatan to'g'ri munosabatda bo'lishlari lozimligi va salomatlikning asosiy ko'rsatmalari (tanani parvarishlash, kasalliklarning oldini olish profilaktikasi, sanitariya-gigiyena qoidalari, turli ko'rinishdagi kasalliklarning (virus, bronxit, gepatit, pnevmaniya) oldini olish) haqida suhbatlashish lozim. Shuningdek, "Gigiyena ko'nikmalari" mavzusi "Jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishda gigiyenik qoidalari" mavzusiga, "Jismoniy tarbiya va salomatlik" mavzusi "Jismoniy mashqlar gigiyenasi" mavzusiga, "Salomatlik uchun havfli bo'lgan odatlar" mavzusi "Tanani to'g'ri parvarish qilish" mavzusiga singdirildi. Ushbu mavzuni tushuntirishda o'quvchilarga zararli odatlar va ularning inson salomatligiga ta'sirlari haqida bilim berish, o'zining va atrofdagilarining salomatligiga nisbatan ma'suliyatni shakllantirish, toksinomaniya va

chekish kabi zararli odatlarga nisbatan salbiy munosabatni tarbiyalashga alohida e'tibor qaratish zarur. "Ekologiya va salomatlik" mavzusi "Tabiat in'omlari va uni asrash" mavzusiga, "Maishiy jarohatlanishlarning oldini olish" mavzusi "Yengil atletika mashg'ulotlarida shikastlanishning oldini olish choralari" mavzusiga, "Qizlar va o'g'il bolalar gigiyenasi" mavzusi "Qomatning buzilish sabablari" mavzusiga singdirildi.

3-sinfda "Salomatlik alifbosi. O'z salomatligini nazorat qilish" mavzusi "O'z-o'zini nazorat qilish tartibi" mavzusiga, "Jamoat gigiyenasi haqida tushunchalar" mavzusi "Ozodalik va saranjomlik" mavzusiga, "Psixologik salomatlikni saqlash" mavzusi "Zararli odatlar va ularning inson organizmiga salbiy ta'siri" mavzusiga, "Sport va salomatlik" mavzusi "Yugurishning sog'liqni tiklashdagi ahamiyati" mavzusiga, "Ovqatlanishning salomatlik va to'g'ri rivojlanishdagi ahamiyati" mavzusi "Ovqatlanish tartibi" mavzusiga, "Salomatlikni mustahkamllovchi omillar" mavzusi "Tanani chiniqtirishning asosiy qoidalari va ahamiyati" mavzusiga, "Transport vositalaridan shikastlanishlarning oldini olish" mavzusi "Jarohatlanishda birinchi yordam ko'rsatish" mavzusiga singdirildi. Unda bolalarga salomatlik uchun xavf tug'diruvchi holatlarni oldindan ko'ra olishni o'rgatish, yo'l harakati qoidalari bilan tanishtirish, svetofor belgilari, transport vositalari harakati haqida tushuncha berish lozim.

4-sinf. "Salomatlik alifbosi" mavzusi "Ochiq havoda o'tkaziladigan o'yinlarning inson salomatligiga bo'lgan ahamiyati" mavzusiga, "Oila salomatligi" mavzusi "Ona va bolalik davlat muhofazasida" mavzusiga, "Salomatlikni yoshlikdan asrang" mavzusi "Chiniqish" mavzusiga,

"Ovqatlanish va salomatlik" mavzusi "Shaxsiy gigiyena qoidalari" mavzusiga "Salomatlikka zarar keltiruvchi odatlar" mavzusi "Tana terisi va tirnoqlarni parvarish qilish" mavzusiga, "Mehnat faoliyati jarayonida shikastlanishlarning oldini olish" mavzusi "Dars vaqtida shikastlanishning oldini olish va unda birinchi yordam ko'rsatish" mavzusiga singdirildi.

"Sog'lom avlod asoslari" o'quv dasturidagi integratsiyalangan mavzular:

5-sinf. "Kirish" qismidagi "Sog'lom avlod asoslari" kursi hamda uning maqsad va vazifalari, salomatlikning qadri va ahamiyati, insonning hayot kechirishi, yashashi uchun salomatlikning muhimligi kabi ma'lumotlar "Salomatlikni mustahkamlashda jismoniy tarbiyaning ahamiyati" mavzusi orqali yetkaziladi. Shuningdek, "Gripp va uning asoratlari" mavzusi "Shamollash kasalligini oldini olish choralari" mavzusiga, "Salomatlikka zarar yetkazuvchi illatlar" mavzusi "Ertalabki badantariya mashqlarining inson salomatligiga ijobiy ta'siri" mavzusiga, "Inson tanasi gigiyenasi" mavzusi "Tozalik salomatlik garovi" mavzusiga, "Virusli gepatitning oldini olish" mavzusi "Shaxsiy gigiyena qoidalari" mavzusiga, "Poyabzal va uni salomatlikka ta'siri" mavzusi "Ustki va poyabzal kiyimining gigiyena talablari" mavzusiga, "Zararli odatlar haqida tushuncha" mavzusi "Tamaki va spirtli ichimliklar iste'mol qilishning zarari" mavzusiga, "Tamaki chekishning zarari" mavzusi "Tamaki mahsulotlarining inson organizmiga salbiy ta'siri" mavzusiga, "Ekologiya va salomatlik" mavzusi "Tabiatning sog'lomlashtiruvchi omillari orqali chiniqish" mavzusiga singdirildi.

(Davomi 8-betda.)

(Davomi. Boshi 7-betda.)

6-sinf. "Qiz va o'g'il bolalar organizmida ro'y beradigan o'zgarishlar" mavzusi "Tanani parvarish qilish tartibi" mavzusiga, "Ilk o'smirlik davridagi psixologik o'zgarishlar" mavzusi "Zararli odatlarning inson salomatligiga ta'siri" mavzusiga, "Shaxslararo munosabatlarning psixologik xususiyatlari" mavzusi "Mashqlarni tartib-intizom va jadallik bilan bajarish tartibi" mavzusiga, "O'quvchilarning tashqi ko'rinishiga qo'yiladigan gigiyena talablari" mavzusi "Shaxsiy gigiyena" mavzusiga, "OITV va OITSning tarixi" mavzusi "Tibbiy nazorat" mavzusiga, "Inson nima sababdan kasal bo'ladi?" mavzusi "Tibbiy nazoratdan o'tkazishning ahamiyati" mavzusiga singdirildi. Bu mavzuni o'tishda "To'g'ri - noto'g'ri" mashqidan foydalanish o'rinli. Unda immun tizimi va uning murakkab tuzilishi, immun tizimining tarkibiy qismlari, makrofaglar - antigenlarni ushlab qoluvchi o'qimlardagi katta leykotsitlar, antigen, neytrofil, limfositlar, gistomoshuvchanlik, hujayralar ichiga kiradigan yot omillarga qarshi organizmning o'ziga xos usul bilan kurashishi, immunitet zaiflashuvining belgilari haqida keng tushuncha berishga e'tibor qaratish zarur. Shuningdek, "Mikroelementlar haqida

umumiy tushuncha" mavzusi "Ovqatlanish tartibi" mavzusiga, "Jamoat sanitariyasi - salomatlik garovi" mavzusi "O'quvchilarning shaxsiy gigiyenasi va kun tartibi" mavzusiga singdirildi. Ushbu mavzlarni o'quvchiga yetkazishda "Uch ha" mashqidan samarali foydalanish hamda ijtimoiy rolik yaratish orqali o'quvchilar e'tiborini mavzudagi eng dolzarb jihatlariga qaratish mumkin.

7-sinf. "Shaxsiy gigiyena va salomatlik" mavzusi "Shaxsiy gigiyena qoidalari" mavzusiga, "OITV va OITSning yuqish yo'llari" mavzusi "Shaxsiy gigiyena" mavzusiga, "Yoshlar OITV va OITS haqida bilishi kerak" mavzusi "Tanani parvarish qilish tartibi" mavzusiga, "Giyohvand moddalar iste'mol qilishning oqibatlari" mavzusi "Tanani parvarish qilish tartibi" mavzusiga, "Reproduktiv yoshdagi aholi salomatligini saqlash to'g'risidagi qonunlar" mavzusi "Ochiq havoda sayr qilishning organizmga ijobiy ta'siri" mavzusiga singdirildi. Unda davlatimiz tomonidan ona va bolaga qaratilayotgan e'tibor, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi moddalarida ushbu masalaning belgilab qo'yilganligi, «Fuqarolar salomatligini saqlash (muho-faza qilish) to'g'risida»gi qonun, jismoniy tarbiya va sportni aholi o'rtasida, ayniqsa, yoshlar o'rtasida

keng yoyishga imkoniyat yaratilayotganligi, reproduktiv salomatlik borasida mamlakatimizda keyingi yillarda olib borilayotgan ishlar haqida ma'lumot beriladi. "Sil kasalligi va uning oldini olish" mavzusi "Jismoniy mashqlarni bajarish davomida to'g'ri nafas chiqarish qoidalari" mavzusiga, "Turmush tarzi va salomatlik" mavzusi "Quyoshda chiniqish qoidalari" mavzusiga singdirildi.

9-sinfda "OITV va OITS bo'yicha dunyo va O'zbekistondagi vaziyat" mavzusi "Tibbiy nazorat" mavzusiga, "OITV va OITSga qarshi kurashish usullari" mavzusi "O'z-o'zini nazorat qilish tartibi" mavzusiga, "Giyohvand moddalarga qarshi «Yo'q!» deng" mavzusi "Xavfsizlik choralari" mavzusiga, "Zamonaviy emlash taqvimini" mavzusi "Jarohatlanishda birinchi tibbiy yordam ko'rsatish" mavzusiga singdirildi. Ushbu mavzu o'qitilishida mamlakatimizda bolalar tug'ilganidan boshlab majburiy profilaktik emlashlarga jalb etilishi, respublikamizda emlashning milliy taqvimini tuzib chiqilganligi, O'zbekiston Respublikasida yuqumli kasalliklar profilaktikasini tashkil qilish va o'tkazish bo'yicha normativlar va qoidalar hukumat tomonidan qat'iy belgilab qo'yilganligi, emlashga qanday tayyorgarlik ko'rish lozimligi, emlashdan

keyin qilinadigan harakatlar, immunoprofilaktika ishlarining infeksiyalarga qarshi kurashishdagi dolzarbligi kabi ma'lumotlar yetkaziladi. Ushbu mavzu yuzasidan o'quvchida mustaqil fikrni shakllantirish uchun darsda turli vaziyatlar yaratish va ularni muhokama qilish lozim.

Jismoniy tarbiya darslari asosan amaliy mashg'ulotlardan iborat bo'lganligi bois fanni o'qitishda "Musobaqa", "Ko'rsatmali", "O'yin" kabi innovatsion pedagogik texnologiyalardan keng foydalanish tavsiya etiladi. Masalan:

Musobaqa usuli. Ushbu usulda sinfdagi o'quvchilar jamoalarga bo'linib, ular o'rtasida spartakiadalar (harakatli, milliy va sport o'yinlari) ko'rinishidagi musobaqa olib boriladi. Bu usul o'quvchilarda jismoniy sifatlarni va harakat tizimlarini rivojlantiradi hamda g'oliblik uchun kurashish, maqsadga erishish ruhini oshiradi.

O'yin usuli. Bu usul harakatli, milliy va sport o'yinlari texnik elementlaridan tashkil topgan bo'lib, boshqa usullarga qaraganda bir qator afzalliklarga ega. Ayniqsa, boshlang'ich sinf o'quvchilarini jismoniy mashg'ulotga jalb etishda muhim ahamiyat kasb etadi. O'quvchilar harakat faoliyati davomida o'yinning mazmuni, shartlari va qoidalarni o'zlashtirib oladi.

Ko'rsatmali usul. Ushbu usul o'qitilishi murakkab bo'lgan sport turlari elementlarini o'rgatishda qo'llaniladi. Bunda o'qituvchi bajarilishi lozim bo'lgan mashq elementini biror-bir o'quvchi yordamida (yoki mustaqil ravishda) ko'rsatish orqali o'rgatadi.

O'qituvchilarni jismoniy tarbiya faniga doir materiallar bilan ta'minlashda uzedu.uz, rtm.uz, ziyonet.uz, pedagog.uz, olimpic.uz, sport.uz saytlaridan foydalanish tavsiya etiladi.

Jismoniy tarbiya faniga oid metod birlashma, fan uyushmalarida muhokama qilinadigan mavzular:

1. Jismoniy tarbiya darslarida o'quvchilarda jismoniy sifatlarni yanada rivojlantirishning samarali usullari.
2. Jismoniy tarbiya darslarida turli mavzular bo'yicha multimediyadan foydalangan holda dars o'tish.
3. Sport zali va jismoniy tarbiya fan xonasini jihozlash.
4. Darsdan tashqari o'tkaziladigan sport to'garagi mashg'ulotlariga barcha o'quvchilarni qamrab olish.
5. Jismoniy tarbiya fanidan nazorat ishlarini o'tkazish.
6. "Alpomish" va "Barchinoy" test-me'yorlarini qabul qilish tartibi.
7. "Umid nihollari" sport o'yinlariga o'quvchilarni tayyorlab borish va o'tkazish.
8. Yakuniy nazorat imtihonlariga tayyorgarlik ko'rish.

Maktabda informatika ta'limini takomillashtirishni hayotning o'zi taqozo etmoqda. Chunonchi, yoshlarimiz qanday kasbni egallashidan qat'i nazar informatikani puxta o'zlashtirish lozimligini anglab yetgan. Shu bois o'quvchilarni ijodkorlikka undash maqsadida o'qitish jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalardan, kompyuter texnikasidan oqilona foydalanish, mavjud elektron axborot resurslarini samarali qo'llash talab etiladi.

Avgust kengashlari sho'ba yig'ilishlari bahs-munozara, seminar-trening tarzida o'tkazilib, darslarni zamonaviy texnologiyalardan foydalangan holda tashkil etish, "Informatika" darsliklarining yutuq va kamchiliklari, o'quvchilarni fanga qiziqtirish usullari, informatika ta'limidagi muammolar muhokama qilinishi tavsiya etiladi. Shuningdek, fanni o'qitishga oid muammoli masalalarni hal etish; fan sohasida olib borilayotgan ishlar va yangiliklar bilan o'qituvchilarni tanishtirish;

informatika fanini o'qitishda tajribanamoyishlar ko'rsatish; elektron axborot resurslaridan foydalanishga oid mashg'ulotlar o'tkazish; ommaviy axborot vositalari materiallaridan, zamonaviy texnika vositalaridan o'rinli va umumli foydalanish; shu bo'yicha amalga oshirilgan ijodiy ishlar, ilg'or tajribalarni o'rganish va ommalashtirish; fan oyliliklari, fan olimpiadalari, bilimlar bellashuvlarining natijalari, yutuq va kamchiliklar yuzasidan amaliyotchilarning fikr-mulohazalarini umumlashtirib, tavsiyalar ishlab chiqish, kelgusidagi ish rejalarini belgilab olish muhim ahamiyatga ega. O'qitishning samarali usullarini qo'llash bo'yicha tajribalar umumlashtirilib, fikr almashish va yangi rejalarini ishlab chiqish ham lozim.

Dars jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (elektron darslik va elektron qo'llanmalar, o'quv filmlaridan) foydalanish dars samaradorligi oshishiga zamin

yaratadi. O'quv filmlari o'zining ko'rgazmaliligi bilan ajralib turadi.

2012—2013-o'quv yilida 5-sinfda D.Kamoliddinova muallifligidagi Informatika darsligidan foydalaniladi. 6—9-sinflarda amaldagi darsliklardan hamda 2011-yili "Tafakkur" nashriyotida 8-9-sinflarning o'qituvchilari uchun chop etilgan "Informatika" metodik qo'llanmasidan foydalanish tavsiya etiladi.

Ma'lumki, informatika fanidan ham o'quvchilarning davlat ta'lim standartlarini o'zlashtirish monitoringi va bilimlar bellashuvi natijalari tahlili o'tkazildi. Kamchiliklarni bartaraf etish uchun o'qituvchilarga qo'shimcha metodik materiallar "Umumta'lim fanlari metodikasi" jurnalining 2012-yildagi 1, 2, 4, 5-sonlarida berildi.

Xulosalarga ko'ra, 8-sinf o'quvchilari "Excel" elektron jadvalidan, masala yechishda formulalardan foydalanish, mantiqiy ifodalar, matematik hisoblashlarda qiyinchilikka duch kelgan.

Sho'ba yig'ilishlarida aniqlangan bo'shliqlarni to'ldirish uchun dars jarayonida masalalar yechishga, amaliy mashg'ulotlarni bajarishga e'tibor qaratish masalasini muhokama qilishni tavsiya etamiz.

Pedagogik texnologiyalardan unumli va oqilona foydalanish fanning o'qitilish samaradorligini ta'minlaydi. Masalan, 8-sinfda "Mantiqiy amallar", "Mantiqiy elementlar", "Elektron jadvalning elementlari" mavzusi bayonida "Suhbat", "Guruh bo'lib ishlash", "Kichik guruhlarda ijodiy izlanishni tashkil etish", "Aralash" kabi usullardan, darsni mustahkamlashda taqdimot slaydlaridan foydalanish ijobiy samara beradi.

9-sinfda darslarni "Algoritmnining asosiy xossalari", "Algoritmnini tasvirlash usullari", "Jadval ko'rinishidagi miqdorlar", "O'zlashtirish va ma'lumotlarni ekranga chiqarish operatorlari" kabi mavzularni "Aqliy hujum", "Klaster", "Guruh bo'lib ishlash", "Savol-javob" kabi usullar asosida tashkil etish ta'lim sifatini oshirishga yordam beradi.

Axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan o'quv jarayonida samarali foydalanishga erishish uchun barcha umumiy o'rta ta'lim maktablarining pedagogik kadrlarini keng ko'lamda qayta tayyorlash talab etiladi: Mazkur masala yuzasidan Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 21-apreldagi "Umumiy o'rta ta'lim maktablarida faoliyat ko'rsatayotgan o'qituvchilarning zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan ta'lim jarayonida foydalanish bo'yicha malakasini oshirishni tashkil etish to'g'risida"gi 125-sonli buyrug'i chiqarildi. Buyruqning ijrosini ta'minlash maqsadida barcha viloyatlarda o'qishlar tashkil etib kelinmoqda. Bunday o'qishlarning samaradorligini oshirishda informatika fani o'qituv-

chilarining mas'uliyatini kuchaytirish talab etiladi. Viloyatlarda treninglar bilan doimiy seminar tashkil etib borish lozim. Bu, bir tomondan, zamonaviy kompyuterlardan samarali foydalanish uchun informatika fan o'qituvchilarining malakasini izchil oshirish, ikkinchi tomondan, boshqa fan o'qituvchilarini AKTdan samarali foydalanishi uchun ko'nikma hosil qilish, ularni qayta tayyorlashga erishish kabi dolzarb muammolarni hal etadi.

Barcha o'qituvchilarning kompyuter texnikasini puxta o'zlashtirishiga erishish ta'lim jarayonida elektron axborot-resurslaridan, ya'ni elektron darslik, o'quv filmlari, elektron dars ishlanmalardan hamda taqdimot o'tkazilishida kompyuterdan to'liq foydalanishga shart-sharoit yaratiladi.

Qolaversa, axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanish butun jahon axborot tizimiga ulanish, materiallar olish va dars jarayonida foydalanish imkonini beradi.

Shunga ko'ra, sho'ba yig'ilishlarida quyidagi mavzular va yo'nalishlar asosida o'qituvchilar bilan mashg'ulotlar o'tkazilishi kerak:

- informatika fani o'qitilishidagi muammolar, ularning yechimi, darslarni pedagogik texnologiyalar asosida tashkil qilish;

- o'quvchilar bilimida aniqlangan bo'shliqlarga doir mavzularda masalalar yechish mashqlarini o'tkazish;

- darslik hamda elektron darsliklar, o'quv filmlari, qo'llanmalardan oqilona foydalanish;

- informatika fani xonasini jihozlashga va jihozlarning avaylab saqlanishiga e'tibor qaratish;

- kompyuter texnika vositalaridan samarali foydalanib, o'quv jarayonida elektron axborot resurslarini qo'llashga erishish;

- informatika faniga oid yangi-liklar bilan tanishtirish;

- Xalq ta'limi vazirligining 2011-yil 9-martdagi "Umumiy o'rta ta'lim maktablarida informatika va ingliz tili fanlarini o'qitish samaradorligini oshirish to'g'risida"gi 47-sonli buyrug'i asosida fan to'garaklari uchun taqdim etilgan mavzular yuzasidan ma'ruza, seminar va amaliy mashg'ulotlar o'tkazilishi maqsadga muvofiq.

XORIJIY (INGLIZ, FRANSUZ, NEMIS) TILLAR

Mustaqil respublika-mizning jahon hamjamiyatida tutgan o'rni tobora o'sib, xalqaro aloqalar mustahkamlanib borayotgan bir paytda yoshlarga xorijiy tillarni puxta o'rgatish fan o'qituvchilari oldida turgan dolzarb vazifalardan biridir.

Xorijiy til o'qitilishida o'quvchilarning lisoniy, kommunikativ, kognitiv va madaniyatlarga kompetensiyalarini shakllantirish hamda muloqot dialogida erkin ishtirok eta olish kabi ta'limiy va rivojlantiruvchi maqsadlar ustuvorlik qiladi.

O'quvchi yozma nutqining o'sishi, fanga bo'lgan qiziqishi va o'qishga ijobiy munosabati o'z-o'zidan shakllanib qolmaydi. Bunday motivatsiya birinchi sinfdan boshlab o'qituvchilar tomonidan ilg'anib, ta'lim jarayonida rivojlantirib borilishi zarur.

O'quvchilarning og'zaki va yozma savodxonligini uyg'un ravishda oshirish maqsadida qiziqarli o'quv materiallari, didaktik o'yinlar, muammoli vaziyat va bahs-munozaralar bilan birga, to'g'ri yozishga o'rgatuvchi turli xil qiziqarli mashqlardan foydalanish maqsadga muvofiq. Shu ma'noda, ta'lim sohasi o'qituvchidan doimiy izlanishni talab etadi.

O'quvchilarning og'zaki hamda yozma nutqini maksimal darajada o'stirish o'qituvchining darsni qanday tashkil qilishiga bog'liq. O'quvchilarning mustaqil fikrlashi ham ularning yozma nutqining boyishida o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari, o'quvchilarning yoshi, fiziologik, psixologik xususiyatlari, jumladan, qobiliyat, iste'dod ham alohida e'tiborni talab etadi.

O'quvchilarning mustaqil aqliy faoliyat ko'rsatishini

ta'minlash maqsadida darslarda erak, she'r va topishmoqlar, shu jumladan, kichik matnlardan foydalanish o'rinlidir. Darsga tayyorlanishda o'qituvchi matnning hajmi, unga sarflanadigan vaqtning ham aniq belgilab olishi, maqsadga muvofiq matnlarni tanlash lozimligini ham unutmashligi kerak. Matn bilan ishlashga ortiqcha vaqt sarflash o'quvchilar faoliyatini sustlashtiradi. O'quvchilarni matnlar bilan ustma-ust band qilib qo'yish ta'lim samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Bundan tashqari, matnlarning sharti o'quvchilarning yosh xususiyati va o'quv imkoniyatlariga to'la mos kelishi zarur.

O'quvchi kichik hajmli matnlarni yaxshi o'zlashtirib olishi uchun, unda matnning yaxshilab o'qish, mazmunida nimaga ishora qilinayotganini tushunish ko'nikmasini shakllantirish lozim.

Matnlar o'quvchilarning yozma nutq faoliyatini rivojlantirish, tushuncha va tasavvurlarini boyitishga xizmat qiladigan mazmun kasb etishi kerak. Matn bilan ishlash jarayonida o'quvchilarga yozma nutqni rivojlantirishga oid vazifalar qo'yilishi o'quvchilarning nafaqat fikrlash qobiliyatini shakllantiradi, balki yozma nutq ko'nikmalarini ham rivojlantirib boradi.

Xorijiy til darslarida foydalaniladigan erak, masal, she'r va topishmoqlar, shu jumladan, kichik matnlar o'quvchilarni dars jarayonida zerikishdan saqlaydi, ularni mustaqil ishlashini ta'minlaydi. Buning uchun ularga matn haqida tushuncha

berib, uni yaxshilab o'qish, mazmunida nimalar ifodalaganini farqlash kerakligi o'rgatiladi.

O'quvchilarning og'zaki nutq bilan bir vaqtda yozma nutqini rivojlantirish, savodxonligini oshirish xorijiy til darslarida muhim rol o'ynaydi. O'quvchining bilimi nafaqat xorijiy tilda gapira olishi, balki xorijiy tildagi so'z, gaplarni ham orfografik, ham grammatik jihatdan to'g'ri yoza bilishi bilan ham baholanadi.

O'quvchilar nutqini o'stirishdan samaradorlikka erishish uchun an'anaviy avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar e'tiborini quyidagilarga qaratish lozim.

- grafik malakalarni shakllantiruvchi mashqlar bajarishda;

- avval sodda, keyin murakkab mashqlar;

- talaffuzda to'liq yoki qisman ona tiliga mos keladigan harflardan iborat mashqlar;

- yozuvda o'xshash elementlarga ega bo'lgan, biroq farqlanadigan tovushlardan iborat bo'lgan mashqlar;

- bir tovushni ifodalaydigan harf birikmalarini yozish mashqlari;

- alohida so'z, gap, matnlarni ko'chirish mashqlari;

- alohida so'z, gap, matnlarda tovushlar tahlili mashqlari;

- talaffuz til o'rganishda muhim o'rin tutadi, shu sababli yozma nutqni kuzatish mashqlari berish lozim.

Orfografik malakalarni o'rgatishda:

- eshitilgani kabi yoziladigan harflardan tashkil topgan so'zlarni yozishdan boshlash;

- ochiq va yopiq bo'g'inlarni tushuntirish;

- yozish va tagiga chizish;

- sodda uch bo'g'inli so'zlardan foydalanish usullarini qo'llash maqsadga muvofiqdir.

Insho va bayon yozishda:

- rasmi mashqlar: rasm yuzasidan bir qancha savollar berish, rasimga yozma dialog yozish;

- vaziyatli mashqlar;

- matnlarga oid: matnga oid savollarga yozma javob berish, matnga yozma savollar tuzish, hikoyaga reja tuzish, qisqacha bayon qilish, nuqtalar o'rniga kerakli so'zlarni qo'yish.

Orfografik malakalarni o'rgatish o'qitishning asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi va umumta'lim maktablarida yozuvni o'rgatishning maqsadi hisoblanadi.

Tilga oid yozma bajariladigan leksik mashqlar so'zlarni — qo'shimchalar, o'zakni to'g'ri yozishni o'rgatishga xizmat qiladi.

Bunda:

- so'zlarni tahlil qilish mashqi;

- so'zlarni turli xil so'z yasovchi qo'shimchalar orqali guruhlariga ajratish mashqi;

- xatolarni topish va to'g'ri yozish mashqi;

- so'z yasash mashqlaridan foydalanish mumkin.

Bugungi kunda xorijiy (ingliz, nemis, fransuz) tilini o'rgatishda AKTning o'rni beqiyosdir. AKT o'quvchiga

ma'lumotni bir vaqtning o'zida ko'rish hamda eshitish, tovushlarni diktordan so'ng takrorlash, tushunmaganini qayta ko'rish yoki eshitish, o'zlashtirib bo'lingan ma'lumotni o'tkazib yuborish imkoniyatini beradi. AKTdan foydalanish orqali darslardagi birxillikdan voz kechishga erishish mumkin. Shu orqali o'quvchi va o'qituvchi hamkorlikda ishlaydi, ta'limda o'qituvchining roli oshadi.

Sho'ba yig'ilishlarida quyidagi ma'ruzalarda ilg'or tajribalarni tinglash, bahs-munozara yuritish, o'zaro fikr almashish, kelgusi rejalarni belgilab olish tavsiya etiladi:

- xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar darslarida o'quvchilarning ijodiy faoliyatini oshirish tajribasi;
- xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar o'qituvchisining kasbiy mahorati;

- o'quvchilarning yozma savodxonligi va nutqini rivojlantirish metodlari;

- xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar darslarida ilg'or metodlardan foydalanish tajribasi;

- elektron darsliklardan, elektron ta'lim vositalaridan o'quv jarayonida foydalanish;

- xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar darslarini kommunikativ yo'nalishda tashkil etish metodikasi;

- mamlakatshunoslikka oid materiallarni o'rgatishda multimedia vositalaridan foydalanish;

- xorijiy til darslarida matnlar bilan ishlashning ahamiyati;

- boshlang'ich sinflarda xorijiy til o'qitish metodlari;

- xorijiy til o'qitishdagi muammolar va ularni bartaraf etish yo'llari.

(Davomi 10-betda.)

(Davomi. Boshi 9-betda.)

Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlari metodistlar, o'qituvchilar va tarbiyachilar uchun asosiy metodik yordam beruvchi muhim jarayon hisoblanadi. Shu bois yig'ilishlar imkon darajasida noan'anaviy usullarda o'qituvchi, tarbiyachi va metodistlarni har jihatdan puxta qurollantiradigan tarzda o'tkazilishi maqsadga muvofiqdir.

Maxsus ta'lim yo'nalishidagi sho'ba yig'ilishlarida aniq maqsad va vazifalarni qo'yish zarurki, har bir o'qituvchi va tarbiyachi o'z faoliyatida uchragan muammolarga yechim topishi, yangi o'quv yili vazifalarini belgilab olishi hamda kengash yig'ilishining yakuniy tavsiyalari metod birlashmalarining 2012—2013-o'quv yili uchun tuziladigan ish rejasiga asos bo'lishi lozim.

Shunday ekan, avgust kengashlarini ko'tarinki ruhda tashkil qilish va o'tkazish, o'quv yili davomida olib borilgan ijobiy ishlar, erishilgan yutuqlar, yo'l qo'yilgan kamchiliklar va ularning sabablarini tahlil qilish, maxsus ta'lim mazmunini takomillashtirishga qaratilgan vazifalarni belgilab olish va yangi o'quv yiliga tayyorgarlik ishlarini amalga oshirishlari talab etiladi.

Maxsus ta'lim yo'nalishida quyidagi yo'nalishlarda sho'balarda tashkil etiladi:

1. Eshitishda nuqsoni bo'lgan bolalar maktab-internatlari sho'basini (I-II turdagi ta'lim muassasasi — eshitishda nuqsoni bo'lgan bolalar (karlar, zaif eshituvchilar, keyinchalik kar bo'lganlar).

2. Ko'zi ojiz va zaif ko'ruvchi bolalar maktab-internatlari sho'basini (III-IV turdagi ta'lim muassasasi — ko'rishda nuqsoni bo'lgan bolalar (ko'rlar, zaif ko'ruvchilar, keyinchalik ko'ri bo'lganlar);

3. Yordamchi maktablar sho'basini (VIII turdagi ta'lim muassasasi — aqliy rivojlanishda nuqsoni bo'lgan bolalar.

4. Mehribonlik uyi tarbiyachilarining sho'basini.

5. Inklyuziv ta'lim va umumta'lim hamda maxsus maktab logopedlari sho'basini.

O'tkaziladigan an'anaviy avgust kengashlarining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat bo'lishi lozim:

- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 13-sentyabrda "Imkoniyati cheklangan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan davlat ta'lim

muassasalari to'g'risidagi me'yoriy-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash haqida"gi 256-sonli qarori asosida tasdiqlangan "Jismoniy yoki psixik rivojlanishda nuqsoni bo'lgan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan davlat ta'lim muassasalari (maktablar, maktab-internatlar) to'g'risida"gi nizom asosida faoliyatni tashkil etish hamda istiqboldagi vazifalarni belgilab olishlarini ta'minlash;

- takomillashtirilgan o'quv dasturlari borasidagi yangiliklar bilan tanishishi, 2012—2013-o'quv yilidan boshlab maxsus ta'limning uch yo'nalishida optimallashtirilgan o'quv dasturini amaliyotga joriy etish;

- axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish holda dars va mashg'ulotlar o'tishda samaradorlikka erishish;

- ta'lim berishning yangi zamonaviy usullari bilan muntazam tanishtirib borishda o'quvlar, seminar-treninglar tashkil qilish, ilg'or tajribalarni ommalashtirish, ta'lim portali metodik tavsiyalarini yetkazish.

Mazkur sho'ba ishlarida o'qituvchi va tarbiyachilar:

- maxsus ta'lim yo'nalishida davlat ta'lim talablari va o'quv dasturlarini umumiy o'rta ta'lim maktablari DTS va optimallashtirilgan o'quv dasturiga moslashtirish ishlari olib borilganligi, shu asnoda uch yo'nalishda o'quv dasturlari qayta ishlanib takomillashtirilganligi borasidagi yangiliklar bilan tanishishi;

- maxsus ta'lim yo'nalishida olib borilayotgan islohotlar, me'yoriy hujjatlar, xatlar, ko'rsatmalar bilan tanishishi;

- o'z faniga oid me'yoriy talab, o'quv reja va dasturlarni bilishi;

- yangi pedagogik texnologiyalar asosida dars o'tish va ilg'or ish tajribalarini o'rganishi;

- elektron darsliklardan, proektsion ko'rgazmalardan foydalanish usullarini egallashi;

- internetdan foydalanib, zaruriy materiallarni olib bilish va darsda foydalanish malakasini egallashiga doir bilimlarga ega bo'lishi zarur.

Ma'ruza va muhokamalarda yangi mavzular yuzasidan yangicha yondashuvlar, me'yoriy hujjatlar, o'ziga xos tajribalar tahlilga tortiladi:

- eshitishda muammosi bo'lgan o'quvchilarga o'quv fanlarini o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalar, innovatsion usullardan foydalanish, uzviylik va uzluksizlikni

ta'minlash—ta'lim samaradorligini oshirish omili sifatida;

- o'quvchilarning tarbiyalanganlik darajasini aniqlash mezonlari;

- ona tili darslarida yozma ijodiy ishlarni bajarishga o'rgatish;

- ta'lim muassasasida pedagogik kengash, metod birlashmalar faoliyatini interfaol tarzda olib borish yo'llari, tarbiyachilar ishini rejalashtirish masalalari;

- ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish omillari;

- eshitishda muammosi bo'lgan o'quvchilarning huquqiy madaniyatini tarbiyalash, bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish maqsadida turli to'garaklarga jalb qilish yo'llari;

- eshitishda nuqsoni bo'lgan o'quvchilarga optimallashtirilgan o'quv dasturlari asosida ta'lim-tarbiya berish;

- eshitish qobiliyatini o'stirish va talaffuzni shakllantirish bo'yicha korreksion mashg'ulotlar samaradorligini oshirish usul va vositalari;

- o'quvchilar ekologik madaniyatini va sog'lom turmush tarzini shakllantirish yo'llari;

- ko'zi ojizlar maktablarida o'quv fanlarini o'qitishda noan'anaviy usullardan foydalanish shakllari;

- mayda qo'l motorikasi va teri sezimini rivojlantirish mashg'ulotlarida samarali pedagogik texnologiyalarni qo'llash;

- informatika fanining samaradorligini oshirishda maxsus kompyuter va tiflotexnika vositalaridan foydalanish;

- ko'zi ojizlar maktablarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni samarali tashkil etish yo'llari;

- yordamchi maktabda o'quv fanlarini o'qitishda noan'anaviy ta'lim metodlaridan foydalanish, logopedik mashg'ulotlarda samarali pedagogik texnologiyalarni qo'llash;

- o'quvchi bilim va malakalarini baholashda ijodiy ishlarning o'rni;

- yordamchi maktab o'quvchilarini mustaqil hayotga tayyorlash yo'nalishlari;

- maxsus maktabda psixolog faoliyatining asosiy yo'nalishlari, uslubiy ishlar tizimiga axborot texnologiyalarini qo'llanilishi;

- darslarda fanlararo integratsiyasini amalga oshirish, mehnat ta'limi yo'nalishlarini kengaytirish usullari.

- mehribonlik uylarida oila, mahalla, maktab va jamoatchilik bilan hamkorlik yo'llari;

- mehribonlik uyi tarbiyachilarining faoliyati, psixologning konsultativ, ta'lim berish va korreksion ishlarni tashkil qilish;

- tarbiyalanuvchilarning ma'naviy-ahloqiy sifatlarini tarbiyalash va ijtimoiy hayotga tayyorlash hamda huquqiy bilimlarini oshirish;

- o'smirlar o'rtasida huquqbu-zarlikning oldini olish borasida olib borilayotgan ishlar samaradorligini oshirish;

- mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilarini oilaga tayyorlash hamda kasb-hunarga o'rgatishning dolzarb masalalari, qiziqishlariga qarab turli to'garaklarga jalb qilish usullari;

- o'quv muassasalarida inklyuziv ta'limning joriy etilishini takomillashtirish, o'quv-metodik adabiyotlarni inklyuziv ta'lim yo'nalishiga moslashtirish usullari;

- maktab o'quvchilari bilan korreksion ishlarni olib borishda differensial yondashuvni amalga oshirish;

- og'zaki nutq kamchiliklari mavjud o'quvchilar bilan ishlash texnologiyalari;

- maktab logopedlarining o'qituvchilar bilan hamkorlikdagi faoliyati;

- logopedning individual va yalpi mashg'ulotlarini zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida rejalashtirish va olib borish;

- nutqida nuqsoni bo'lgan bolalarni psixologik-pedagogik tekshirishda nutq xaritalaridan foydalanish usullari;

- maxsus maktab va maktab-internatlarda korreksion ta'lim mazmunini takomillashtirish yo'llari;

- imkoniyati cheklangan alohida yordamga muhtoj bolalar uchun ta'lim-tarbiya jarayonini yosh xususiyatlariga mos ravishda tashkil etishdagi muammolar;

- imkoniyati cheklangan, bolalarda mavjud nuqsonlarni korreksiyalash, bartaraf etishda pedagog va tarbiyachilarning vazifalari;

- jismoniy yoki psixik rivojlanishda nuqsoni bo'lgan bolalarni davolash;

- sog'lomlashtirish ishlarni amalga oshirish, inklyuziv ta'limga yo'naltirish, ularning jamiyatga moslashuvi va integratsiyalashuvida ko'maklashish kabi mavzular monitoring natijasi va yil yakuni bo'yicha aniqlangan kamchilik hamda to'plangan tajribalar asosida muhokama etiladi.

Sho'ba yig'ilishlarini jonli tarzda o'tkazish tegishli pedagog xodimlarning puxta tayyorgarligiga bog'liq ekanligini unutmasligimiz kerak.

ЎҚУВЧИ МАКТАБНИ ТАРК ЭТГАНИ ЙЎҚ

Биз кириб келган ўқув муассасасида ўғил-қизларнинг қувноқ кулгублари эшитилиб турибди. Мактаб ҳовлисида яққол кўзга ташланиб турган «Таълимда танлаш бўлмади» сўзларини ўқигач ўқувчилар ҳамон мактабни тарк этмаётгани сабабини англагандек бўлди.

— Ёзи таътил мавсумида мактаб қошида оромгоҳ ташкил қилдик, — дейди директор ўринбосари Улғубек Собиров. — Ўқувчилар кун мобайнида 8та тўғрак машғулотида қатнашади.

Мактаб кутубхонасига турли хил газеталар-журналлар, бадий китоблар келтирилади. Тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда фаолият юритилмоқда. Кекса педагоглар, меҳнат фахрийлари, ижодкорлар билан қизиқарли учрашувлар болаларнинг маънавий оламини бойитишига хизмат қилапти.

Гурлан тумани Вазир қишлоғи Олчин маҳалласида жойлашган 14-мактабда ёзи таътил ана шундай мазмунли ўтказилмоқда. Бу ерда ҳар бир лаҳза муайян мақсадга йўналтирилади. Болалар тўғрак ма-

шғулотларидан ташқари фойдали жисмоний меҳнатга ҳам жалб қилинади.

Оромгоҳда дам олаётган ўқувчилар орасида турли кўрик-танлов ғолиблари бор.

— Бу йилги Билимлар беллашувининг республика босқичида математика фанидан иккинчи ўринни эгалладим, — дейди 6-синф ўқувчиси Рисолат Собирова. — Ҳисоб-ки-тоб илмини бошланғич синфдаги ҳаммаёқ кунт билан ўргатган ўқитувчим Гўлҳеҳра Кўчқоровадан, қолаверса, ҳозирда шу фан бўйича бор билимимни бераётган устозим Омонжон Ўрозматовдан жуда миннатдорман.

Директор қабулхонасига ёзиб қўйилган сўзлар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди: "Шароит яратиш, йўл кўрсатиш, рағбатлантириш, талаб қилиш". Бу — мактаб раҳбари Сафарбой Ханиёзовнинг шиори. Ҳақиқатан ҳам, ўқитувчининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун аввало намунали шароит яратиш керак. Шундан сўнггина ундан иш талаб қилиш мумкин.

2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий дастури асосида капитал реконструкция қилинган ўқув маскани яхши сақланган, қуни кеча таъмирдан чиққандек турибди. Ўқув қуроллари ва лаборатория жиҳозлари, мебеллар, спорт инвентарлари асраб-авайлаб ишлатилган. Бу ҳар бир ўқувчи онгига мактабни ораста сақлаш, жиҳозларни асраб-авайлаш тўғриси сингдирилганидан бўлса керак.

Тиқувчилик, зардўзлик, чеварлик, ҳунармандчилик, хорижий тиллар, ижодкорликка йўналтирилган тўғраклар таътил даврида ҳам гавжум. 7та спорт секциясида ўқувчилар жисмонан чинқишади.

Ҳа, таълимда танлаш йўқ. Бу ўқувчи истеъдодини ривожлантиришда талаб қилинадиган биринчи мезон. Болалар таътил мобайнида китоб ўқийди, ижодий фикрлайди, ҳунармандлик сирларини ўрганади... Қисқаси, бўш вақтини сермазмун ўтказиш мақсади билан яшайди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Yoz — 2012

«БЕШИНЧИ ЧОРАК»

Олтинкўл туманидаги 35-умумтаълим мактаби Андижон вилоятининг илғор таълим масканларидан саналади. Кейинги йилларда мактаб жамоаси туманда педагогларнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича олдинги ўринлардан жой олиб келмоқда. Муассасада 658 нафар ўқувчининг билим даражасини юксалтириш, дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ота-оналар ва маҳалла билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилади. Ёшлар шу кунларда ҳам 20га яқин тўғракка қатнаб, ёзи дам олишни ҳам фойдали, ҳам мароқли ўтказяпти.

Таътил палласи бўлсада, бир гуруҳ ўқувчилари мактаб иссиқхонасида кўрдик.

— Қишки помидор ва бодиринг пишиб тугади, энди кузги қўчатлар экиляпти, — дея изоҳ берди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зоҳида Абдуллаева. — Бу ўқувчилар — биология тўғрагида аълолари. Ўзимизда етиштирилаётган маҳсулотлардан ҳар қуни улар учун иссиқ овқат тайёрланади.

Тўғрак аълолари бу йил 2 миллион сўмга яқин даромад олишди. Маънавий иссиқхона таъмирлаш ҳамда аълочи ўқувчилар ва илғор ўқитувчиларни рағбатлантиришга сарфланди.

Мактабда «Ёш тарихчилар» тўғрагида фаолияти ҳам намунали йўлга қўйилган.

— Мактаб раҳбарияти таътилда ҳам машғулоти ўтказишга рухсат берган, — дейди тўғрак раҳбари Зулфиянон Убайдуллаева. — Ҳафтада икки марта машғулоти олиб борамиз. Тўғрагимиз аъло-

лари тарих фани бўйича туман мактаблари орасида ташкил этилган «Заковат» беллашувида бир неча бор ғолиб бўлишди.

«Ёш ижодкорлар», «Бўлажақ математиклар», «Моҳир кўлар», «Француз тили», «Зоология» ва спорт тўғракларига қизиқиш катта. Айниқса, шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол, футбол машғулоти лари — ёшларнинг жонув дили. 170 нафар ўқувчи айнан шу тўғракларни танлагани ҳам бунинг тасдиғидир.

— Спорт соғлиқ, баркамоллик гарови эканини

англаб етган ўқувчилар орасида қизлар кўпчилигини ташкил этади. Мактабда гимнастика зали ҳам ишга туширилди, — дейди жисмоний тарбия ўқувчиси Баҳром Рўзиматов.

— Мен бир вақтнинг ўзида футбол ҳамда «Ёш биологлар» тўғракларига қатнашаман, — дейди мактаб ўқувчиси Абдуллатиф Нейматжонов. — Ҳар иккала соҳада ҳам ютуқларга эришиб келяпман. Масалан, ўтган йили биология фанидан билимлар беллашувининг вилоят босқичида 2-ўринни эгалладим. Яқинда жамоамиз билан «Футболимиз келажаги» мусобақасида қатнашиб, туманда ғолиб бўлдик. Вилоятда эса 4-ўринни қўлга киритдик.

— Ёз фаслини муаллимлар учун ўзига хос «бешинчи чорак» дегим келади, — дейди мактаб директори Зухраҳон Мирзаева. — Таътилда ҳам тўғракларимиз фаолияти тўхтамайди. Бундан айниқса, ота-оналар мамнун. Ўқувчи бўш вақтидан унумли фойдаланиб, бирор ҳунар эгалласа ёки билимини мустаҳкамласа, қандай яхши! Шу боис мактабимизда «бешинчи чорак»ни самарали ўтказишга интиляпмиз.

Орифжон СИДДИҚОВ



СОҒЛОМ МУҲИТ БАРҚАРОР БЎЛСА...

вишда назоратсиз қолдираётган 3 нафар ота-онага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида судга даъво аризалари киритилди. Вояга етмаган фарзандлар эса келгусида қаровсиз ва назоратсиз қолмаслиги учун тарбия муассасаларига жойлаштирилди.

Пойдевори мўрт бино омонат бўлгани каби, оилада соғлом тарбия кўрмаган ўсмирлар аксарият ҳолларда жиноят

Hamkorlik hikmati

ло, ҳуқуқбузарликни юзага келтирадиган омилларни йўқотишимиз зарур. Жиноят қилишга мойил болаларнинг ижтимоий аҳолини атрофли-

ча ўрганиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, турли салбий оқимлар ва таъсирлардан сақлаш тадбирларини кучайтириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир.

Айниқса, оила — таълим муассасаси — маҳалла ҳамкорлигининг сустиги ёшларнинг жиноят содир этиши учун имкон туғдириши мумкин. Носоглом оила муҳитида ўсаятган болалар доимий зиддиятлардан беэиб, кўчага

Ko'rik-tanlov

«Мен бугун Тошкентга, «Ўзалингдан айланай, ўлкам!» танловининг республика босқичига кетаяпман. Қувончим чексиз. Сабаби, вилоятда биринчиликни эгалладик. Энди Бухоро вилояти шарафига бир гуруҳ бўлиб химоя қиламиз. Биз Шофиркон тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг «Ёш ўлкашунослар» тўғраги аълоларимиз. Тўғрак раҳбаримиз Шоира Хусайнова билан биргаликда кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўрдик. Танловнинг биринчи шартида вилоят ва туман тарихи ҳақида тўлиқ ва қизиқарли маълумот беришимиз, унинг республика иқтисодиётида тугган ўрини кўрсатишимиз, аҳолининг миллий таркиби ҳамда турмуш тарзи ҳақида сўзлаб беришимиз лозим. Бу шартга пухта тайёргарлик кўрдик.

ЎЗЛИГИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЎЛКАМ!

Замонавий технологиялардан фойдаланиб олиб борган изланишларимиз ҳақида видеоролик тайёрладик, слайдлар яратдик. Деворий газетамизда туман тарихий обидалари, зиёратгоҳлари ҳақида мақола чоп этдик.

Шофиркон туманида 40дан ортиқ тарихий обида мавжуд. Уларнинг энг машҳури Хўжа Ориф Моҳитабон зиёратгоҳидир. Варзонае кўргони ҳам машҳур қадамжолардан бири. Биз туман тарихини ўрганиш давомида бобо ва момоларимиздан қизиқарли маълумотларни, унутилиб кетаятган лапар ва қўшиқ, тез айтиш ва топишмоқларни ҳам ўрганиб олдик. «Шофиркон» сўзи «Шоҳнинг ўғли бўлиб этган юрт» деган маънони англатар экан. Икки ми муътадил, деҳқончилик ва боғдорчилик, чорвачилик учун қўлай ҳудудда яшаётганимдан фخرланаман. Танловнинг республика босқичида юқори натижаларга эришамиз, деб умид қиламан.

Бу Шофиркон туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази «Ёш ўлкашунослар» тўғраги аълолари Гуллола Саъдуллаеванинг сўзлари эди.

Ҳа, дарвоқе ўлкашунослик ва ўзликни англаш гоъларини кенг тарғиб этиш, ўсиб келаётган авлодни ватанпарвар, миллий ва маънавий қадриятларимизга содиқ инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида «Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан «Ўзалингдан айланай, ўлкам!» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар вакиллари иштирок этиб, бешта шарт бўйича беллашдилар.

Биринчи шартда ўқувчилар ўзлари туғилиб ўсган ҳудуд ҳақида умумий тақдирот ўтказди. Сўнгра ўқувчилар томонидан тайёрланган «Деворий газета»ларга баҳо берилди. «Кўз билан чамалаб режалаш» шартида иштирокчиларнинг сайёҳлик ва экология бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Тест синовида жамоа сардори 50та саволга жавоб бериши керак эди. Эркин мавзуда ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган куй-қўшиқлари, сахна кўринишларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этдилар.

Танлов натижаларига кўра, олий ўрин Наманган вилояти жамоасига насиб этди. Биринчи ўринни Навоий, иккинчи ўринни Самарқанд ва Хоразм вилоятлари вакиллари эгаллади. Учинчи ўринга Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент ва Сурхондарё вилояти вакиллари лойиқ қўрилди.

Ғолиб жамоалар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Юнусобод туман прокуратураси томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Профилактик ҳисобда турувчи ўсмирлар ҳамда носоглом оилалар билан тарбиявий ишлар олиб бориляпти. Оилаларнинг яшаш шароити, фарзанднинг таълим-тарбиясига муносабати ўрганилаётган. Ўғил-қизлари тақдирига совуққонлик билан қараб, уларни доимий ра-

қиқиб кетиш ҳоллари кузатилади. Базида шундай салбий ҳолатга маҳалла ва ўқув маскани ҳам эътиборсиз қарайди. Бу эса уларнинг руҳиятида бузилишлар юз беришига олиб келади. Оқибатда, вояга етмаганлар жар ёқасига яқинлашиб қолади. Ҳар қандай жамият тарраққийти оилаларда соғлом муҳитнинг барқарор бўлишига боғлиқ.

Азиз АБДУЛЛАЕВ,
Юнусобод туман
прокурорининг катта
ёрдамчиси

Машхур корейс адибаси Ханбиянинг ҳам, унинг асари таржимони Рахшона Тошпўлатованинг ҳам номларини «Маърифат» ўқувчилари яхши биладилар. Рахшонанинг мақола ва суҳбатлари, «Тонги тароват» мамлакатидан деб номланган очерклари газетамизнинг 2010 йил сонларида пешма-пеш босилиб чиққан. Жаҳонгашта адиба Ханбиянинг «Шамол қизи дунёни уч ярим марта яёв кезганда...» тўрт жилдлик саёхатномасининг биринчи жилдидан қилинган Самарқанд, Бухоро ҳақидаги ҳикоялар таржимасини эса газетамизнинг 2010 йил 10, 17 февраль сонларида чоп этгандик.

Рахшонанинг бир эзгу орзуси бор. У корейс тилини янада пухта ўрганиб, корейс адабиётининг энг яхши асарларини аслидан таржима қилиб, ўзбек китобхонларини баҳраманд этмоқчи. Корейс тилидан ўзбек тилига бевосита таржимани биринчи бўлиб бошлаб берган қизимиз ўз ваъдасига биноан Ханбия саёхатномасидан янги ҳикояларни таржима қилди. Унда жасур корейс қизининг Африка қитъасига саёхати пайтларида кўрган, ўз бошидан кечирган воқеалар мароқли тасвирланади.

Истеъдодли таржимонимиз Рахшонага ижодий куч-ғайрат, омад ёр бўлишини тилаймиз.

Махмуд САЪДИЙ

Asliyatdan tarjima

Қайтиб келиб ўша алмисоқдан қолган ошхонада ҳеч иш қилмайдиган хонадоннинг эркакларига тушлик тайёрлаб, ора-чира болаларнинг овқатини едиришга ҳам вақт топадилар. Товуқ, эчки, сигирга қараш ҳам аёлларнинг вазифаси. Тин олишга вақт йўқ, қайнаган ҳаёт ичида кеча-кундуз банд бўладиган қийин бир турмуш тарзи.

Буни қарангки, бошқа томонда эркаклар соя-салқинда ўтириб олиб, суҳбат қуриб қиммат-қиммат ичимликлар ичишади ёки шаробхўрлик

қиз Елла чой-нон ва мангодан иборат ёқимли нонушта кўтариб чиқди. Ох, бу — ҳозиргина совиган сутта чой барглари солиб тайёрланган, мазали ва жуда ёқимли чой. Мен шу сабаб ҳар кун нонушта вақтини кутадиган бўлиб қолганман.

Ниҳоят, инглиз тилини билладиган битирувчи синф ўқувчиси Нана келди ва тушлик вақти Рож онага эргшиб бозорга жўнади. (Нана — Рож онанинг жияни.)

Қишлоқ атрофида иккита бозор, деярли ҳар икки куннинг бирисида гоҳ унисига, гоҳ бунисига навбатма-навбат борадилар. Уйларида яшаётганим учун тўлов пулини бераман, десам, ҳеч унашмади. Ўрнига бозордан уй-рўзгор зарур ул-бул нарсаси оларман деб ўйладим. Уй аъзоларига

Ханбия

ДУНЁНИ УЧ ЯРИМ МАРТА ЯЁВ КЕЗГАНДА...

«Шамол қизи» саёхатномасидан

«КОРЕЙС КИЗИ»ГА МЕХР БЕРГАН МАМБАЛИК ОНА

Мени ўз қизидек яхши кўрган Килиманжаро тоғи этакдаги кичик оила, Рож она ва унинг қизи Бида ҳақида

Эртага миллий байрам — Янги йилнинг биринчи куни. Элчихонада оддий ходим — Бида кўлимдан етаклаганча ота-онаси уйига олиб борди. Бир неча автобус алмашдик. Улар менинг «хе» йўқ, «бе» йўқ тўсатдан пайдо бўлиб қолганига қарамай, ҳатто кимлигимни ҳам суриштирмасдан, хурсанд кўл бериб сўраша кетишди.

— «Шикаму?» (Ассалому алайкум.)

— «Мархаба.» (Яхшимисиз?)

— «Ассанте ссана.» (Раҳмат.)

Қишлоқ одамлари, ёшу қари учраган ҳар одамнинг кўлини сиқиб шундай саломлашади.

Мен тўхтаган бу маскан — Килиманжаро тоғ саёхатимнинг бошланиш нуқтаси. Маранту тоғ йўлидан бир километрлар чамаси ичкарироқда жойлашган Мамба қишлоғи эди. Атрофи мевалари гўж-гўж ва бўйи осмон қадар баланд банан дарахтлари билан ўралган, юқорилаган сари шохлаб кетган, соясида қаҳва буталари зич ўсган Танзаниянинг тропик қишлоғи.

Бу ерда асосий етиштирилган маҳсулот қаҳва билан банан. Қишлоқ аҳли шу нарсаларни сотиб Танзаниянинг бошқа жойларига қараганда тўқ ҳаёт кечиради.

Деворлари лойсувоқ пасткамгина бу уйда ҳамма нарсаси нуқул жойлашган, лекин лол қоларлиси — тоза ювилган чойшаб, жилдли кўрпа-ёстиқ, замонавий ҳоҳатхона, ҳаммомгача (фақат совуқ сувли) бор. Ҳовли ўртасида айлана — қапа тахлит, томи шохшабалар билан ёпилган ошхона ва омбор. Бу ердаги уйларнинг бари қадамгидек, ҳар қадамдан ҳушбўй қишлоқ нафаси уфуриб туради.

Олтимси етти ёшли уй бекаси Рож она 40 минг кишилик қабила бошлиғининг энг

катта қизи. Қабила бошлиғининг 57 ўғил-қизи бор. Бу уй онахони уларнинг тўнғичи, у катта оилани боғлаб турган робита сингари. Ҳамма қабила бошлиғининг қизи деб ҳайқайди, аммо бу аёл ҳар ишга ғайрат билан киришадиган бағрикенг, онамга ўхшаган меҳрибон бир ҳола.

Мени кўриши билан «Қизим яна биттага кўпайди», деб роса қувонди. Бу кайвони аёлнинг болалари ўн битта, ҳаммаси уйли-жойли, битта турмушга чиқмаган кичик қиз Елла ва унинг отаси бошқа-бошқа учта қизи; буви-набира бирга яшайди.

Хоналар кўринишидан замонавий, аммо ошхона ва унда бажариладиган уй юмушлари бир неча юз йил олдингидек. (Шу яхлит уйлардан африкалик ўғил-қизларнинг турмуш тарзини бир қарашда билса бўлади.)

Бу ерда бир анъана бор. Ташқари ўғил болалар учун, ичкари эса қизларники. Ташқарида суҳбатлашиб ўтириш учун стол-стул бор ва стол устига лампа ўрнатилган. Ичкарида эса на чирок, на стол бор, ҳатто жавонча ҳам йўқ. Ошхонада ўтин ёқиб овқат пиширилади, ўртада катта ўчоқ, лекин атрофида ўтиришга ҳеч вақо йўқ.

Ошхона ичи чодирга ўхшаш, қор-қоронғи. Кичкина деразаси бор, бироқ чанг-тўзон кириши мумкин деб, очилмайди. Чанг — вирусларни энг яхши ташувчи эмиш. Шундай қоронғи бир жойда қизлар кунига уч маҳал мазали овқат пиширади.

Танзания овқатлари чиндан мазали. Банан мўллиги учун ҳамма овқат масаллиғи бир хил — банан. Банан ва нўхатдан тайёрланадиган — кимпо, банани қайнатиб пиширила-диган таом — инганде, янги соғилган сутни қайнатиб, банан солиб ва банан билан мол гўштини аралаштириб тайёрланадиган шўрва — интиж каби номи ҳам чиройли, мазаси ҳам яхши «банан ошпазлик санъати». Бундан ташқари, банани аввал қовуриб, кейин қайнатиб, яхшилаб пишириб тайёрланадиган имбебе аталган

шароб, уни ҳар кун кечқурун ичиб ўтиришади.

Ҳар бир уйда сигир боқилади, эрталаб ва кечқурун соғилган янги сутдан бир пиёла-бир пиёла ичиб олишади. Одамлари қорни тўйиб-тўймай яшайдиган ҳаёт тарзи. Яна ҳайрон қолдирган нарсаси, ҳар қанча кечикинса-да, албатта, кечки овқатни еб ўхлашади. Бирор кун йўқки, қоқ ярим кечаси деб, истисно қилинса. Ҳар бир оилада кунига уч маҳал овқатланиш шу қадар муҳим нарсаси...

Банан шароби — имбебе корейсларнинг гуруч мусалласи — макколига ўхшаб кетар экан, суюқ, бир-икки пиёла ичсангиз қорин тўйиб қолади, лекин қанчалик тўқдек кўринсангиз ҳам, албатта, бир қошиқ бўлса-да, овқат ёйиш керак. Бир кун Рож онага кўп шароб ичиб қорнин тўйиб қолди, овқатланмайман, десам, «Агар икки қошиқ емасанг, хонангдан чиқмайман», деб туриб олди...

Бу ерда оила аъзолари бир дастурхон атрофига ййилиб овқатланишмайди. Ўғил болалар алоҳида яхши бир жой топиб олиб, стол қўйишади-ю, бор овозда бақир-чақир қилиб ўтиришади; қизлар ва кичик ёшларча эса ошхонада жимгина овқатланишади.

Мен ҳалиям бу уйда «севимли меҳмон» бўлганлигим учун, умуман, ошхонада қизлар билан бирга бўлишим мумкин эмас. Доим ёлғиз овқатланишга тўғри келади.

МЕҲНАТГА ТУЙЛГАН АЁЛЛАР: ЎЗ ҲАЁТИДАН МАМНУН

Қизлар эрта-сахардан кечгача дам олмасдан ишлайдилар. Бу уйда энг кўп меҳнат қиладиганлар — она билан кенжа қиз Елла. Бу икки аёл сахарлаб уйғониб, ём-хашак ўриб сигирга беришади. Сут соғиб, шу сутдан эрталабки нонуштага чой тайёрлашади. Кир ювиб, уй ичи ва ташини яхшилаб тозалаб, сўнгга сут идишларни кўтариб, банан солинган саватларни бошга қўйганча бозорга жўнашади.



қилишади. Қаҳва ййғим-терими фасли бошланса, қизлар қаҳва ҳосилини ййғиб, қури-тиб, сўнг пўстлогидан ажратадилар. Бир неча марта қовуриб, қуритиш жараёниларидан ўтгач, қолга жойлаб қўйсалар, кейингина эркаклар қорни бозорга кўтариб бориб пуллаб келадилар. Шу каби эркаклар жон қойитиб иш қиладиган кунлар йил бўйи бармоқ билан санарли даражада.

Лекин, ажабланарлиси, ўзалари билан машғул, яйраб, роҳат-фароғатда яшаётган бу эркаклар юзиде зигирча ҳаётдан мамнунлик кўринмайди. Ичларига чирок ёкса ёришмайди, ҳаётларида ҳеч маъни йўқдек. Қайтанга бутун кун ҳуши ўзида йўқ, қачон қараманг, банд бўладиган аёллар юзиде табассум, доимо қувноқ, ҳаётдан мамнун. Кечқурунлари ошхонада ййғилиб олишиб, у ерга қиянқор борғудек бўлсангиз, кулгу овози ва болақайларнинг шўх қийқириқлари эшитилади.

Қисмат — хоҳлаган томонга буриб қўйса бўладиган тақдир туҳфаси эмаслигини тушуна-сиз. Ҳар доим ҳаракатда, меҳнат билан машғул одамлар ҳаёт қувончини топиб, ўз ҳаётидан миннатдорлигини кўрасиз. Бхатга эришиш учун осон ҳаёт ёки қийинчиликларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлигига инонасиз. Бу аёлларнинг адолатсиз ажрим ва меҳнатнинг тенг тақсимлан-маслиғига нисбатан ҳеч бир унорозиликисиз, ўзгаришига уринмай, ҳаётни шундайлигича қабул қилиб бахтиёр яшаётганларига тасанно айтасиз.

Эрталабдан қишлоқни бир айланиб келай, десам, кенжа

нима зарурлигини зимдан қузатиб юрдим.

Шу пайтгача дунёнинг кўп ерларида бўлганман, энг покиза маскан — қишлоқларга кириб борганим сари одамлар меҳрини ҳис қиламан, меҳмонини суюб, борини беради, аммо зориқиб турганида ҳам пул олмайди. Уларга пул беришга ҳар қанча уринманг, фойдаси йўқ. Шунинг учун ҳам мени едириб-ичирган бу оилага нисбатан ташаккурим изохрини аширибгина, овқат пули-ю жой ҳаққини сездирмайгина қайтариш йўлини топдим — бир чеккага қўйиб қўяман.

Бозоргача тезроқ юрсангиз 10 минутлик йўл. Шундай бўлса-да, одатда, 30–40 минут кетади. Йўл-йўлакай одамлар билан битта-битта хол-аҳвол сўрашиб ўтганимиз сабабли. Қишлоқда яшаб, кунда кўрадиган одамларнинг ҳар бири билан кўл бериб, 10 йил ўтиб учрашган одамлар каби сўрашишлари мени ҳайрон қолдирди.

Ўйлаб қарасам, менга та-ништирган одамларнинг бари ҳола, тоға, амма, жиян. Отаси битта, онаси ўн саккизтадек, уларни қўшиб ҳисобласангиз, қариндош-уруғлар сони қанча киши эканлигини тасаввур қилмайсиз.

Кеч тушиб Рож она билан қўшни қишлоқдаги қовоқхонага бордик ва дўстлари билан банан шароби ичдик. Менинг Рож онага эргашиб қовоқхонага боришимнинг асл сабаби: қизларнинг нималар ҳақида гаплашётганига қизи-қиб, суҳбатларига қулоқ тутаман, тушунмасам ҳам қувнаб қуламан.

(Давоми бор.)

ОВҚАТЛАНИШ ХАМ КАСАЛЛИККА САБАБ

Тез овқатланиш иккинчи турдаги қанд касаллигининг ривожланишини икки мартага оширади экан. Италияда бўлиб ўтган Халқаро эндокринология конгрессида Литва тиббиёт университети олимлари бу ҳақида маълум қилди, деб ёзади «КОРДИС» («CORDIS») манбаси.



Таъкидланишича, бугун дунё аҳолисининг 6,4 фоизи мазкур хасталикдан азият чекаётган бўлса, беморларнинг 80 фоизиди юрак-қон томирларидаги асоратлар туфайли ҳаётдан кўз юмиш ҳоллари кузатишмоқда. Иккинчи турдаги қанд касаллиги тўқималарнинг инсулин модасига нисбатан таъсири йўқолиши ва гормон ишлаб чиқарилишидаги бузилишлар билан боғлиқ бўлиб, 95 фоиз беморларда хасталикнинг айнан шу турдагиси кузатилади. Шу боис тадқиқотчилар бунга жиддий эътибор қаратади. Эътиборлиси, диабетга қарши кураш икки томонлама олиб борилади: бир томондан, касалликни орттириб олган одамни самарали даволаш усуллари изланади, иккинчи томондан, касаллик ривожланиши хавфини оширувчи омиллар аниқланади. Ушбу омиллар ҳам генетик, ҳам таъшиқ — экологик бўлиши мумкин. Уларни билиш эса касалликнинг олдини олишга замин яратади, дейди мутахассислар.

Литвалик тадқиқотчилар шуни эътиборга олган ҳолда изланиш олиб бориб, яқунда хавф туғдирувчи омиллардан бири тез овқатланиш эканини аниқлашди. Таърибада бир неча юз нафар соғлом ва касалликни бошидан ўтказган инсонлар ҳаёт тарзи батафсил ўрганилган. Натияжада қўлаб омилар ичида овқатланиш тартиби ҳам муҳим роль ўйнаши маълум бўлди.

СУНЬИЙ ОРОЛГА ҚАДИМИЙ КЎПРИК

Археологлар Уэльс жануби-шарқидаги Монмут шаҳрида улкан ёғоч иншоотнинг пойдеворини топишди. Монмут археологик жамияти мутахассиси ва тадқиқот раҳбари Стив Кларкнинг таъкидлашича, бу сунъий оролга ўтиш учун қўйилган кўприк бўлиб, бундай иншоот нафақат Бирлашган Қироллик, балки бутун Европада кузатилмаган экан. Янгилан ҳақида «Лайф сайнс» («LifeScience») манбаси маълум қилди.

Тадқиқотчилар ўтмишда мазкур ҳудудда бўлган қўлда учта улкан параллел ёғоч тўсинларни аниқлашга муваффақ бўлишди. Аввалига мутахассислар ёғочлар фақат пойдевор сифатида ишлатилган, деган фикрда эди. Лекин уларнинг узунлигига қараб кўприк экани тахмин қилинмоқда. Бу ёғочлар кўлнинг ўртасига етиб боргани бу ерда сунъий орол бўлганига ҳам ишора, дейишмоқда олимлар. Ҳозирча иншоотнинг «ёши» борасида бирор тўхтамга келинмаган бўлса-да, унинг бронза даврига тегишли экани ва тахминан 4 минг йил илгари қурилгани фарз қилинмоқда.



ФИКРНИ «ЎҚИШ» ИМКНИ ТУГИЛДИ

Америкалик неврологлар махсус алгоритм ёрдамида фалаж инсонлар фикрини «ўқиш» имконини берадиган «Ай-Брайн» («iBrain») ихчам электр энцефалография яратишга муваффақ бўлишди. Янгилан ҳақида «Си-нет Нюзс» («Cnet News») манбаси маълум қилди.

Профессор Филипп Лоу раҳбарлигидаги Стэнфорд университети олимлари ноодатий таъриба ўтказишди. Аниқроғи, улар таърибага амиотрофик склероз (Шарко хасталиги) аниқланган таникли назариётчи физик олим, профессор Стивен Хокингни жалб этишди. Шарко хасталиги марказий асаб тизими бузилиши билан




боғлиқ бедаво касаллик ҳисобланади. Унда ҳаракатланувчи нейронларнинг зарарланиши туфайли аста-секинлик билан фалажлик кузатилади.

Неврологлар оёқ-қўллари фалаж бўлиб қолган профессор С. Хокингдан ўнг қўлини мушт қилаётганини тасаввур қилишини сўрашган. Бунда олимлар бош мия қобилигининг ҳаракат зонаси оёқ-қўللarga мушакларни фаоллаштириш сигнални бераётган пайтда электр импульслар ўзгаришини қайд этишни кузатишни мақсад қилишган. Уларнинг фикрича, турли хил мия фаоллиги пайтдаги электр сигналларни ўзгариштириш намуналари қўлга киритилгач, янги ускуна мониторда акс этадиган фалаж инсонлар фикрини сўзлар ёки компьютерга буйруқлар шаклида «таржима қилиш» имконига эга бўлади. Келгусида Шарко хасталиги ва бошқа нейродегенератив касалликлардан азият чекадиган кўп сонли беморлар иштирокида «Ай-Брайн» фаолиятини давом эттириш режалаштирилмоқда.

ГЛОБАЛ ИСИШ ДАВРИ ТУГАМОҚДА(МИ?)

Россиянинг Салехард шаҳрида 4 йилда бир марта бўлиб ўтадиган Музликшунослик бўйича халқаро конференцияда АҚШдаги Калорадо университети профессори Эндрю Слэйдер Ерда глобал исиш даври тугаб, музлаш даври бошланаётганини таъкидлади. «Лента» манбасида мавзу ҳақида маълум қилинди.

Олимнинг айтишича, сайёрамиз ўтган асрда юқори даражадаги Кўёш интенсивлиги билан изоҳланган глобал исиш жараёнини 1998-2005 йиллардаёқ «бошидан кечириб бўлган». Келгусидаги бундай соғуш жараёни эса Ер юзидagi қор-муз майдонининг кўпайишига олиб келар экан.



— Сўнгги ўн-беш йилда Арктикадаги музликлар майдони анчага камаяётган эди, лекин 2007 йилдан бери муз қатламлари барқарорлашмоқда ва бу жараёнинг яна давом этиш эҳтимоли бор, — дейди мутахассис ўз нутқида.

Айтиш жоизки, иқлим моделлари 50 ёки 100 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилади. Лекин бу галги изланиш давомида иқлимни моделлаштиришда криолитозона (музликлардан дарак берувчи Ернинг геологик қатлами — криосферанинг устки қобиғи) таъсири ҳам эътиборга олинган.

— Сайёра миқёсида иқлимни моделлаштириш динамикаси криолитозонани батафсил ўрганишни талаб этади, — дейди Э. Слэйдер. — Негаки, фақат шу йўл билан энг аниқ натижаларни қўлга киритиш мумкин. Хусусан, иқлим ўзгаришларини ўрганишда қор қатламлари билан боғлиқ жараёнлар катта аҳамият касб этади.

ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР — САРАТОНГА ҚАРШИ

Шимолий Каролина университети (АҚШ) олимларининг аниқлашича, ҳаттоки кичик жисмоний машқлар ҳам аёлларда кўкрак беzi саратони хасталигининг олдини олади. Фақат бунда тана вазнини ҳам назорат қилиш талаб этилади, дейилади «Компьюлента» манбасида.

Мазкур кенг қамровли изланиш пайтида мутахассислар кўкрак беzi саратони аниқланган 1,504 минг нафар аёлни назоратдан ўтказишган. Уларнинг 1,271 минг нафариди саратоннинг инвазив (организм ичига кириш хусусияти), 233 нафариди эса инвазив бўлмаган шакли кузатилган. Шу билан бирга, таърибага 20-98 ёш ораллигидаги 1,555 минг нафар соғлом аёл ҳам жалб қилинган. Бу иштирокчиларнинг барчаси саратонга атроф-муҳит таъсири аниқлаш мақсадида тақил этилган тадқиқотда қатнашган кўнгилчилардир.

Натияжада репродуктив давр ва ундан кейин ҳам жисмоний машқларни мунтазам бажарган аёллар кўкрак беzi саратонига кам чалиниши қайд этилди. Бунда аёллар ҳафтасига 10-19 соат жисмоний тарбия билан шугулланганида энг юқори самара (30 фоиз) кузатилган. Жисмоний машқлар билан бирга тана вазнини назорат қилиш ҳам зарур. Чунки семизлик жисмоний машқлар самарасини йўққа чиқариб, ортиқча вазнга эга аёлларда саратон ривожланиши мумкин экан.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва
Ноҳира РЎЗИЕВА тайёрлади.



АҚШнинг Колорадо штатидаги ўрмоннинг салкам 62 квадрат километр майдонида ёнғин кузатилаётгани боис 32 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли ўз уйлари тарк этган, офатни бар-тароф этиш ишлари эса 800дан зиёд ўт ўчирувчилар ва авиация жалб этилган ҳолда давом эттирилмоқда.

Перу марказидаги Уануко ҳудудида Пукайра шахридан пойтахт Лимага йўл олган йўловчи автобусининг бошқарувни йўқотиб, кўприкдан кулаб тушиши оқибатида 13 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган бўлса, жароҳат олган 30 нафар жабрланувчидан 20 нафари оғир ахволда.

Норвегиянинг «Статойл» («Statoll») ва АҚШнинг «Эксон Мобил» («ExxonMobil») нефть компаниялари Жанубий Африкадаги Танзания республикасига қарашли шельф (материкнинг сувостидаги саёз қисми)да тахминий ҳисоб-ки-тобларга кўра, 85 миллиард куб метрли газ конларини аниқлашга муваффақ бўлди.

Мустақил аудиторлар текширувидан сўнг Испания банклари учун 62 миллиард еврогача қўшимча маблағ талаб этилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосалар тақдим этилгач, мамлакат ҳукумати банкларни рекапитализация қилиш учун расмий равишда Европа Иттифоқидан 100 миллиард еврогача миқдорда молиявий кўмак сўради.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан 2007 йилда Худойбердиев Исроил Бўриевич номига берилган М-012-рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2009 йилда Қашқадарё вилояти Яқкабўғ туманидаги 5-сонли ўрта мактаб томонидан Абдуғаниева Дилобар Абдуғаниевич номига берилган СМ 2200683 рақамли шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси Ахборот технологиялари маркази 1-тоифали муҳандис дастурчиси Таиса Бақлушинанинг турмуш ўртоғи

Михаил БАКЛУШИНнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунари таълимини ривожлантириш маркази жамоаси марказ масъул ходими Сагира Мирзакуловага акиси

Сиондуч АБДУРАИМОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

ИСМОИЛОВЛАР ОИЛАСИ

Ёши катталар нотаниш бирор кимни учратса, «Каердансиз?», «Кимларнинг авлодидансиз?» деб сўрайди. Келин танлаш ёки бўлажак кўёни суриштиришда ҳам насл-насабга эътибор қаратилади. «Эр йигит тоғасига ўхшайди», «Онасини кўриб, қизини ол» каби халқ мақоллари борки, уларнинг ҳам асл маъни сулолаларга бориб тақалади. Мамлакатимизда олимлар, шифокорлар, шоирлар, ҳунармандлар, полвонлар, санъаткорлар, чеварлар сингари ўқитувчилар сулолалари ҳам шаклланган.

Қамаши тумани аҳли қамайлик Исмоиловларни яхши билишди. Чунки Кенжа бобо 16 ёшдан қишлоғи ташвиши билан яшади. У кишини гапга чечан, зукко, тиниб-тинчимас одам бўлгани боис «Тирик тарих» деб аташар эди. Беш фарзанди, набири ва келинларнинг 15 нафари ёш авлод тарбиясига умрини бағишлаган. Улар орасида мактабча таълим муассасаси ходимдан тортиб, олий ўқув юрти ўқитувчисига қадар узлуksиз таълим тизимининг барча бўғини

мутахассислари бор. Жумладан, Нортажи — Қарши давлат университетида психология фани ўқитувчиси, Курбон — вилот халқ таълими бошқармаси мутахассиси, Собир — вилот педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходими, Муқаддас — боғча тарбиячиси... Тарих фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, Муқим Кенжаеванинг таъкидлашича фарзандлар тарбиясида ота-оналарнинг ибрати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Отам — дейди у, — сандал атрофида ўтирган фарзандларига «Гўрўғли», «Юнус билан Мисқол пари» дostonларини ёддан айтиб беради. Бу бизда илмга, китоб ўқишга ҳавас уйғотган бўлса ажаб эмас».

Бугун Кенжа бобо ва Зулфин момони танимаганлар ҳам фарзандларининг ҳаётдаги ўрнини кўриб, «Ота-онанга раҳмат», дейди. Қанийди, барча ота-оналарга ҳам шундай гапларни эшитиш насиб этса.

Ж.ЖИЛОВОВ,
Қашқадарё ВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси


Орамиздаги одамлар

Шукрулло Расулов инглиз тили фани ўқитувчиси сифатида чет тилини ўрганиш ўқувчининг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим ўрин тутишини яхши ҳис этади. Шу боис доимо ўғил-қизларни чет тилларини чуқур эгаллашга, дунё кезиб, ўрганган илгор тажрибаларини юртимизда ҳам татбиқ этишга ундайди.

Истиқлолнинг ilk йилларида Президентимизнинг ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, илгор билимлар билан қуроллантириш мақсадида хорижий тилларни ўргатишнинг янгича мазмун ҳамда шаклда ташкил этиш

тутида талабаларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда. Хорижда ўқиб қайтган Сайёра Нурматова эса Тошкентдаги халқро Вестминстер университетида ишлаётти.

Домла бугун 60 ёшга кирган бўлса-



УЛКАН МАҚСАДЛАРНИ ДИЛГА ТУГИБ...

масаласини кун тартибига қўйганидан руҳланган устоз ҳудудда инглиз тили чуқурлаштириб ўргатиладиган мактаб очиб пайда бўлди. Унинг хайрли ташаббусини Оқолтин тумани ҳокимлиги ҳам қўллаб-қувватлаган, қисқа муддатда таълим муассасаси учун янги ўқув биноси барпо этилди.

Шукрулло Расуловнинг ўнлаб шоғирдлари ҳаётнинг турли жабҳаларида самарали фаолият юритиб, эл-юрт қорига ярамоқда. Хусусан, Муқаддас Юрсунова ЎзДЖТУда, Зайнаб Наҳалбоева Гулистан давлат университетиди, Гавҳар Мадиева Жиззах политехника инсти-

да, у ҳамон изланишдан, ўрганишдан тўхтагани йўқ. Хорижий давлатларда қўрган-кечирганлари асосида «Ҳаётдан насиба» китобини чоп эттирган. Шу қўнларда «Саодатли қатрлар» китоби ва инглиз тилини мустақил ўрганишчиларга мўлжалланган қўлланмаси нашрга тайёрланмоқда. Чет эл ёзувчиларининг асарларини таржима қилиш устида ҳам иш олиб бораётти. Улкан мақсадларни дилига туғиб яшаётган устоз доимо шоғирдларию фарзандлари ардоғида.

Абдували МАМАТОВ,
Халқ таълими аълочиси

ЁШЛАР ОРАСИДАГИ УСТОЗ

Университетга қачон борсам устоз Султонхўжа Арипхўжаевни доим талабалар даврасида учратаман. Устоз нафақат сабоқлари, балки ҳар бир байрамда ташкил этиладиган мазмунли тадбирларида талабаларни фаолликка ундаш хусусияти билан ҳам кўпчилик ёшларнинг меҳрини қозongan.

Устоз С.Арипхўжаев 1969 йили В.Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб юрган кезлари унинг олдида иккита йўл бор эди. Биринчиси, шу ерда оддий ишчи ёки ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлаб юриш, иккинчиси олий ўқув юртига ўқишга кириб ҳаёт пиллаполярини сари олға интилиш. Албатта, бундай вазиятда мактабда аъло баҳоларда ўқиган, ҳаётнинг биров бўлса-да қийинчиликларини тотиб қўрган йигит иккинчи йўлни танлаш шубҳасиз. Султонхўжа Арипхўжаев ҳеч иккиланиб ўтирмай Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетига кириб ўқиди.

Университетни тамомлаб, ҳарбий хизматни ҳам ўтаб қайтган Султонхўжа Арипхўжаев маълум муддат мактабда тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Ёшлар билан ишлашнинг ўзгача завқи бор, дей-



ди устоз. Дарсларни ва синфдан ташқари машғулотларни янгилик жорий қилган ҳолда ноанъанавий тарзда олиб бориб ўқувчиларнинг қизиқишини ошириб борди.

Илмий изланишга бўлган қизиқиш устозни яна университет сари қорлади. У 1980-1985 йиллар давомида университетда ўқитувчи бўлиб ишлади, кейинчалик аспирантурада тахсил олиб илмий ишни муваффақиятли ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида ишлаб талабаларга ушбу фандан ҳамда жаҳон санъати тарихи, Президент асарлари бўйича маърузалар ўқиди, амалий машғулот ва давра суҳбатлари уюштирди. С.Арипхўжаев Республика таълим маркази қошидаги Тарих фани бўйича илмий-методик кенгаш аъзоси сифатида ўқув дарсликларининг янги авлодини яратишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида 100дан ортиқ услубий қўлланма ва дастурларга муаллифлик қилган олим С.Арипхўжаев ҳамон талабалар даврасида.

Жавохир СОБИРОВ

Та'лим фидойлари

ЖЎМАРДЛИК — УМР МАЗМУНИ

биология фанига қизиқиш уйғонишида устози Қўтбиддин Илёсовнинг таъсири катта бўлган. Сўнг ўзи ҳам олий ўқув юртини тамомлаб, Шаҳрисабз шаҳридаги 5-ўрта мактабда биология фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон миллий университетида фаолиятини давом эттирди. Узоқ йиллар давомида Республика таълим марказининг табиий фанлар бўлимида методист, сўнгра бош методист бўлиб ишлади. Саидолим Орифонов «Буюк биолог олимлар», «Ўқитувчи ва ўқувчилар

олимпиадасида тўрт нафар ўқувчидан икки нафари бронза медали билан тақдирланган.

Саидолим Орифонов меҳнат қилиб, меҳнатнинг роҳатини ҳам қўрган педагог. У «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» «Методист ўқитувчи», «Фидойи ўқитувчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган халқ таълими ходими» кўрсатган билан тақдирланган.

Шавкат КЕНЖАЕВ,
Чилонзор туманидаги 173-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

ОИЛА ВА ИЛМ

иккаласини тенг тутган оlima

қиқот иши билан шугулланишга йўлланма ҳам берди.

Бажонидил академияда илмий тадқиқот олиб борган қаҳрамонимиз устози, биринчи ўзбек файласуф аёли Ойсара Умрзоқованинг эътиҳидан маҳкам тутди. Илмий тадқиқот иши — «Миллий анъанавий маросимлар ва шахснинг ижтимоийлашуви» мавзусини синчковлик ва қўнт билан ўргана бошлади. Бу орада Россия Фанлар академиясининг фалсафа институтига ҳам 2 йил тахсил олиб қайтди. Эътиборли томони шуки, қаҳрамонимизнинг тайёр бўлиб қолган илмий ишини ҳимоя қилишга Россия Фанлар академияси томонидан рухсат бўлмаган, тадқиқотчиға бошқа мавзу тақлиф

этилиб, агар бу мавзунини ўрганса, ҳимояга рухсат беришларини ҳам айтишди. Бироқ ўз мақсади ва йўлини аниқ билган Бахти Очиллова бу тақлифга рози бўлмади. Кўп ўтмай Тошкентга қайтиб, илмий ишини янада такомиллаштирди ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига талабаларга дарс бера бошлади.

Узоқ ва машаққатли изланишлар, бедор ўтган тунлар тадқиқотчининг ўзигагина аён сирлар бўлиб қолмади. У номзодлик ишини қўлашга 1990 йили, айни давлатимиз мустақиллиги учун дадил қадамлар ташланаётган бир даврда рухсат олди ва ёрғун юз билан ҳимоя қилди.

2005 йили эса у илмий мас-

лахатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор А. Жалолов бошчилигида докторлик диссертациясини ҳам ёқлади, профессор унвонини олди. Шу пайтгача олиманинг 5та монография, 4та ўқув қўлланма ва 100дан ортиқ илмий мақола-лари чоп этилган.

Жиззах давлат педагогика институтининг фалсафа кафедрасида фаолият қўрсатаётган Бахти опа 11 нафар шоғирдининг илмий ишларига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Мен ҳаётим давомида оила ва илм ўртасига қатъий чегара қўймадим. Бирига эришши учун иккинчидан кечмадим. Илмий тадқиқот ишлари, педагогик фаолият билан тинимсиз изланишда бўлсам

ҳам, қайнона-қайнотам, турмуш ўртоғим ва фарзандларим олдидаги вазифаларимни ҳеч қачон унутмадим, — дейди Бахти опа.

Бунинг учун эса қанчадан-қанча тунларни беҳаловат ўтказиш, муттасил меҳнат қилишга тўғри келди.

Бахти Очиллова билан суҳбатлашар эканмиз, у киши болалиги, А.Қодирий ва Чўлпон асарлари таққилланган даврларда ҳам уй кутубхоналарида уларнинг асарлари доимо сақлангани ва ҳар кеч бувижонлари сандал атрофида Бахти опа ва унинг ўзидан катта 9 нафар ака-опаларига уларни ўқиб берганларини энтикиб эслади.

Буни қараганки, ўшанда сандал атрофида ўтирган 10 нафар фарзандларининг ҳар бири йиллар ўтиб олий маълумотли, эл қорига ярайдиган хурматли инсонлар бўлиб етишди.

Зебо НАМОЗОВА

Зукко оlima, педагог Бахти Очиллова билан суҳбатлашган киши унинг устоз ва аёл сифатидаги чин инсоний қиёфасидан ижобий маънода таъсирланади. У самимий ва мулоҳазақорлиги, билими ва қатъиятчилиги билан талабаларнинг нафақат фанини тушуниб етишлари, балки ҳақиқий инсон бўлиб улғайишларига ҳисса қўшмоқда.

Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалласида, зиёли оилада туғилган Бахти Очиллова 1979 йили ҳозирги Низомий номидаги педагогика университети тарих ва жамиятшунослик факультетига имтиёзли қабул қилинади.

Университетда ҳам намунали ҳулки ва қобилияти билан устозлари эътиборига тушган Бахти опага битириш чоғида университет жамоаси «қизил» диплом тутибгина қолмай, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтига илмий тад-

«МАМАТОВНИНГ СПОРТ ЗАЛИ»

ёзги таътилда спортсеварлар билан янада гавжумлашди

Асакалик спортсевар ёшлар тумандаги Мустаҳкам қишлоғида жойлашган 22-мактаб спорт зали хусусида гап кетадиган бўлса, «Маматовнинг спорт зали» иборасини қўлайди. Бунинг боиси бор, албатта. 22-мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Толибжон Маматов, мана, 18 йилдан буён ёшларга жисмоний тарбиядан сабоқ беради.

— Толибжон ишлаётган мактабнинг спорт залини бир бориб кўринг, — деди вилот «Ёшлик» КСЖ раиси ўринбосари Раҳматулло Бувакулов. — Давлатимиз томонидан яратиб берилган шароитдан унумли фойдаланётган бир муаллим сай-ҳаракати билан мактаб спорт зали шу ҳудуддаги ёшларнинг энг сеvimли масканига айланиб улгурган. Турли мусобақалар, спорт тадбирлари домий ўтказилган бу масканда туман ёшлари орасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги таъминланаётганидан жуда мамнунмиз.

— Қишлоғимизда янги мактаб қурилгани маҳалла аҳли, ота-оналари-

мизнинг кўп йиллик орзулари рўёби бўлди, — дейди Толибжон Маматов. — 2009 йилнинг сентябр ойида фойдаланишга топширилган илм масканида бугун уларнинг фарзандлари, набиралари бекаму кўст таълим-тарбия олишмоқда. Айниқса, 12х24 метр ҳажмдаги спорт залининг ёшлар ихтиёрига топширилгани кўплар қатори мени ҳам қувонтирди. Очигини айтганда, эски мактабимизда қиш пайти жисмоний тарбия дарсларини ўқишнинг мушкул иложи йўқ эди. Ўқувчилар жисмоний тарбия дасри вақтида синф оналарида ёки уйда бўлишарди. Мустақилликка эришилган кўп йил мактаб ва спорт заллари

қурилди, мавжудлари қайта реконструкция қилинди. Қишлоғимизда қад ростлаган аҳойиб мактаб ва унинг спорт зали ҳам ана шу сай-ҳаракатлар маҳсули бўлди.

2009 йили янги мактаб ишга туширилиши билан мактабга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 12 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. Улар орасида стол тенниси жамланмаси, турник, спорт гилалари, гантеллар, футбол, волейбол ва баскетбол тўплари спортга ошно қишлоқ болалари учун катта совға бўлди.

— Спорт зали очилган кундан буён бирор дақиқа ҳам бўш турмайдиган, — дейди мактаб директори Равшанбек Маматов. — Бу ерда қишлоқ ёшлари ҳатто ёзги таътил даврида ҳам ўз севган спорт турлари билан мунтазам шугулланишадиган. Айтиш кераки, ушбу спорт зали болаларнинг

иккинчи уйига айланиб қолган. Спорт залида ёзги таътил бошланиши билан тўғарак аъзолари янада кўпроқ шугулланиш имконига эга бўлишмоқда. Мазкур спорт залидаги машғулотларга қатнашиб, эътиборга тушаётган ўғил-қизлар ҳам талайгина. Мактабнинг 8-синф ўқувчиси Моҳинур Йимямина ва волейбол бўйича вилот терма жамоасига қабул қилинди. 9-синф ўқувчиси Сойибжон Рўзибеков волейбол бўйича вилот терма жамоасида «Умид ниҳоллари» — 2012 мусобақаси финал босқичида иштирок этди. Шунингдек, волейбол бўйича 8-синф ўқувчилари Чаросбек Алижонов, Мухаммадшаҳбоз Абдурахимов, 7-синф ўқувчилари Наврўз Бозоров, Фазлиддин Темиров вилот миқёсидаги турнирларда фаол иштирок этишяпти.

О.СИДДИҚОВ

Андижон вилоти

ИТАЛИЯ — ИСПАНИЯ 1:1. ЎЙИН ДАВОМ ЭТАДИ...



EURO 2012
POLSKA-UKRAINE

Нихоят «Евро-2012» финали иштирокчилари номи ҳам аниқланди: «С» гуруҳи вакиллари — Испания ва Италия. Мазкур терма жамоаларнинг куч-қудрати, ўйин услуби, етакчи футболчилари ҳақида маълумотлар етарлича.

Учрашувда қайд этилиши мумкин бўлган натижалар бўйича муҳлислар, букмейкерлик идоралари ва мутахассислар шугуллангани маъқул.

Куйида эса икки гранд терма жамоанинг ўзаро учрашувлари оид маълумотлар билан танишасиз.

• Италия ва Испания терма жамоалари ўзаро 29 марта ўйин ўтказган бўлса, уларнинг 10тасида «скурада адзурра»га, 8 марта «қизил фурия»га зафар қучиш насиб этган. 11 марта кўчлар тенг келгани мазкур терма жамоалар имконияти қарийб эллика эллик эканини билдиради.

• Ўзаро ўтказилган 10та расмий ўйинда ҳам устулик апенниликлар томонидан: италияликлар 4 марта, испанлар эса 2 марта (1та асосий вақтда, 1та пенальтилар сериясида) галаба қозонган.

• Жаҳон ва Европа чемпионати финаллари асосий вақтда Италия уч марта муваффақиятга ва уч марта дурангга эришган. Ис-

пания эса бундай матларнинг асосий вақтда бирор марта ҳам ютққа эришолмаган.

• Испания терма жамоаси ўз тарихида энг йирик ҳисобда айнан Италияга мағлуб бўлган (1931 йил 9 декабрь) — 7:1.

• «Евро-2012»га қадар бу икки терма жамоа сўнгги бор 1980 йили кечган Европа чемпионатида бир гуруҳдан ўрин олган ва ўшанда ҳам дуранг (0:0) қайд этилган.

• Сўнгги марта 2011 йилнинг 10 августда ўртоқлик учрашувда ўзаро рубару келган ва италияликлар 2:1 ҳисобда зафар қучган.



Бу икки сардор эртага яна учрашади.



«Евро-2012» ярим финал ўйини натижалари:

Испания — Португалия 0:0
(пенальтилар бўйича 4:2)

Италия — Германия 2:1



АЛЬБА «БАРСЕЛОНА»ГА ҚАЙТДИ

Испания терма жамоаси ҳамда «Валенсия» футбол клуби химоячиси Хорди Альба энди беш йил давомида «Барселона»да тўп суради. 23 ёшли футболчининг трансфер нархи 14 миллион еврони ташкил этди.



Бироқ Альба ҳали клубнинг тиббий текширувдан ўтгани йўқ. Альба футбол билан шугулланиши айнан «Барселона» клуби академиясида бошлаган, кейинчалик маҳорати «Валенсия»да оширди. 2009 йили «қўршапалаклар» сафида ўз дебютини нишонлаган истеъдод эгаси тез ора-


да асосий таркибдан муқим жой эгаллади.

Испания терма жамоаси таркибида у илк марта 2011 йилда тўп сурганди. Химоячи миллий жамоа либосида 10та учрашувда («Евро-2012» матларининг бештасида) иштирок этди.

НАДАЛЬ МАҒЛУБ ЭТИЛДИ

Испаниялик аҳойиб теннисчи Рафаэль Надаль «Уимблдон» турнирининг иккинчи давра баҳсларида чехиялик Лукаш Росолга имкониятни бой бериб қўйди. Чемпионат расмий сайтида бу ҳақида хабар берилди.


Қўпчиликка ҳали яхши таниш бўлмаган Росол ушбу турнирнинг икки карра, «Катта дубулга» таснифига кирувчи биринчиликларнинг 11 карра ғолиби. Надальни 6:7 (9:11), 6:4, 6:4, 2:6, 6:4 ҳисобида энгби чинакам шов-шувли воқеаликка сабаб бўлди.



26 ёшли Росол мусобақанинг учинчи давра баҳсларида олмониялик Филипп Колшрайберга қарши қорға тушади.

ГАЛАБАГА УНДОВЧИ МАДҲИЯ

Британиянинг «Muse» гуруҳи яратган бетактор мусиқа шу йилнинг 27 июль кuni Лондонда бошланадиган Олимпиада ўйинларининг расмий мадҳияси сифатида танланди.



«New Musical Express» мабасининг ёзишча, Халқаро олимпия қўмитаси «Survival» деб номланган қўшиқни «Лондон-2012» ўйинларининг асосий мусиқий беағи тарзида қабул қилинишини ҳам маққуллаган. Қўшиқ премьераси 27 июль кuni бўлиб ўтди.

Мадҳия мусобақа ўтказилувчи майдонларда ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросимида янграйди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қўшиқ матнига олимпиадада оид тушунчалар сингдирилган бўлиб, у спортчиларни галабага ундайди.

КУТИЛГАН ЖАНГ ҚОЛДИРИЛДИ

WBA таснифининг супероғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Александр Поветкин ҳамда америкалик собиқ жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон ўртасида бўлиши қутилаётган ҳимоя жанги бекор қилинди, деб хабар берибди WBA расмий сайти.

Гамбург шаҳрида 14 июлда ўтказилиши белгиланган муштлашувнинг қолдирилишига Х.Раҳмоннинг қўли жароҳатлангани сабаб қилиб қўрсатилган.

Эслатиб ўтамиз, Поветкин 2011 йилнинг августидан буён WBA таснифида жаҳон чемпионлиги камарига эгаллик қилиб келаяпти. Боксчи шу вақтга қадар 24та жанг ўтказиб, барчасини галаба билан яқунлаган, уларнинг 16таси нокаут билан яқунлангани эътиборли.

Хасим Раҳмон эса жами 59та жанг ўтказган бўлиб, уларнинг 50тасида зафар қучган (41таси нокаут билан) ва 7 бора мағлубият, 2 бора дуранг қайд этган.

Шаҳина ЖҲРАЕВА тайёрлади.



«ЎЗБЕКИСТОН»

нашриёт-матбаа ижодий уйи



«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли-безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);
- рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўхатга олиш китоблари;
- халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси,
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.**

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.

Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-618.
Tiraj 49463.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, o'ly va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navbachi muharrir:
Sanobar JUMANOVA.
Navbachi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Ўза икуни — 20.45
Topshirildi — 20.55